



ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 26 январь куни Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини белгилаш ҳамда уни жорий йилда амалга ошириш масалалари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Бугун 35 миллиондан зиёд қўл миллатли халқимиз ривожланган давлатларга хос ҳаёт даражасига эришиш, адолатли, эркин ва фаровон жамият қуришдек улуғ мақсадлар билан яшамоқда. Шундан келиб чиқиб, Шавкат Мирзиёев ўтган йилги Президент сайловида “Инсон қадри учун”, “Давлат — инсон учун” деган ғояларни илгари сурган эди. Уларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида, аҳолининг фикр ва тақлифлари асосида 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилди.

Ушбу дастурий ҳужжатда яқин ва ўрта истиқболда мамлакатимизнинг ривожланиш тенденциялари қандай бўлиши, бу борадаги устувор вазифалар белгиланган. “Харакатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” деган тамойил асосида ислохотларнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Жорий йилги “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” бўйича давлат дастури лойиҳаси ҳам янги стратегиядан келиб чиқиб тайёрланган. Очiq муҳокамалар жараёнида аҳолидан 17 мингдан зиёд тақлифлар олинган. Улар таснифланиб ва умумлаштирилиб, дастур лойиҳаси 300 дан ортиқ ташаббуслар билан тўлдирилган.

Давлатимиз раҳбари халқимизга бундай фаоллиги, ислохотларга ишончи ва дахлдорлиги учун миннатдорлик билдирди.

— Инсон қадри биз учун қандайдир мавҳум, балеандарвоз тушунча эмас. Инсон қадри деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечирishi, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз. Инсон қадри деганда, биз ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этишни, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиб беришни тушунамиз. Бу мақсадга эришиш учун эса дунёдаги ноёб демократик тузилма бўлган маҳалла институти имкониятларидан самарали фойдаланиш, унинг ваколатларини янада кенгайтириш, пировард натижада маҳаллани жамиятимизнинг ҳал қилувчи бўлинига айлантириш вазифасини ўз олдимизга қўймоқдамиз. Маҳалла тинч бўлса, юрт тинч бўлади. Маҳалла обод бўлса, бутун мамлакат обод бўлади, — деди Президент.

Тараққиёт стратегияси 7 та устувор йўналиш ва 100 та мақсаддан иборат. Булар:

I. Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;

II. Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;

III. Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;

IV. Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;

V. Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш;

VI. Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш;

VII. Мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очiq, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш.

Тараққиёт стратегиясини жорий йилда амалга ошириш бўйича Давлат дастурида умумий қиймати 55 триллион сўм ва 11,7 миллиард долларлик 398 та чора-тадбир кўзда тутилган.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари барча саъй-ҳаракатлар ва маблағлар ҳар бир маҳаллага аниқ етиб бориши, оилалар фаровонлигини оширишга хизмат қилиши кераклигини таъкидлади.

Президентимиз 7 та устувор йўналишнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб, энг муҳим жиҳатларини айтиб ўтди.

Хусусан, маҳаллани жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўлинига айлантириш, халқ билан мулоқот тизимини такомиллаштириш, ҳудудий дастурларни жамоатчилик фикри асосида амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Хотин-қизларнинг ўқиши ва ишлаши учун имкониятларни янада кенгайтириш орқали улар орасидаги ишсизлигини 2 баравар қисқартириш мумкинлиги айтилди.

Иккинчи йўналиш ҳақида сўз борар экан, “қонун устуворлиги индекси” юқори даражада бўлган давлатлар қаторидан жой олиш энг асосий вазифалардан экани таъкидланди. Шу мақсадда мулк ҳуқуқини ишончли ҳимоя қилиш, маъмурий судлар ваколатларини кенгайтириш орқали фуқаро ва тадбиркорлар ҳуқуқларини кафолатли таъминлаш бўйича янги тизим яратилади.

Йўлларда хавфсиз шароит яратиш, транспорт ҳодисалари ва ўлим ҳолатларини кескин қисқартириш учун ҳаракатларни бошқариш тўлиқ рақамлаштирилади, ҳайдовчилик гувоҳномасига ўқитиш кучайтирилади.

Давлатимиз раҳбари миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш йўналишининг аҳамиятга атрофлича тўхталди.

— Ҳеч кимга сир эмас — бугун жамиятда тинчлик ва барқарорлиқни сақлаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш,

мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш энг муҳим вазифа, керак бўлса, масалаларнинг масаласи бўлиб турибди. Фақат барқарор иқтисодиётгана ижтимоий муаммоларни ҳал этиш имконини беради, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис, стратегияда иқтисодиёт тармоқларини комплекс ва жадал ривожлантириш, замонавий иш ўринлари яратиш ва камбағалликни қисқартириш бўйича кўплаб чора-тадбирлар белгиланган.

Хусусан, келгуси беш йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 100 миллиард доллардан ошириш мақсад қилинган. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,4 баравар кўпайтириш ва камбағаллик даражасини камида 2 баравар қисқартириш режалаштирилган.

Илм-фан ва инновациялар, қишлоқ ҳўжалигига бозор механизмларини жорий этиш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини 2 баравар ошириб, аграр тармоқда йиллик ўсишни камида 5 фоизга етказиш имконияти бор.

Шунингдек, келгуси беш йилда иқтисодиётга 120 миллиард доллар, шу жумладан, 70 миллиард доллар хорижий инвестициялар жалб этиш, экспорт ҳажмини йилга 30 миллиард доллардан ошириш мўлжалланган.

— Энг қийини, бу улкан вазифаларни ҳамон давом этаётган пандемия ва глобал инқироз шароитида амалга оширишга тўғри келади. Бу биздан катта куч ва маблағ, мустаҳкам ирода ва қатъий интизомни, барча имкониятларни тўла сафарбар қилишни талаб этади, — деди давлат раҳбари.

Ижтимоий йўналишдаги асосий вазифалар ҳам кўрсатиб ўтилди. Хусусан, келгуси беш йилда мактабларда қўшимча 1 миллион 200 минг ўқувчи ўрни яратилади ҳамда дарсликлар янгиланади. Давлат ва хусусий бочкаларни кўпайтириш орқали мактабгача таълим қамрови 80 фоизга етказилади.

Олий ўқув юртларининг нуфузли халқаро рейтингларга кириши, хусусий шериклик асосида 100 минг ўринли талабалар турар жойи барпо этилиши ҳам муҳим вазифалардан.

Шунингдек, бирламчи тиббий хизматлар сифатини ошириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, рақамли тиббиётни кенг жорий қилиш зарурлиги таъкидланди. Дори воситалари ва тиббий буюмлар учун бюджетдан ажратиладиган маблағлар 3 баравар оширилиши белгиланди.

Маънавият соҳасига оид чора-тадбирлар муҳокама қилинар экан, 12 мингдан зиёд кутубхона имкониятларидан самарали фойдаланиш, мафкуравий

хуружларга қарши миллий ғоя асосида биргаликда курашиш муҳимлиги қайд этилди.

Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шўғулланадиган аҳоли сонини 33 фоизга етказиш, Олимпия ва Паралимпия ҳаракатини янада ривожлантириш бўйича вазифалар кўрсатиб ўтилди.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Меҳнат миграциясини тизимли ташкил этиш, фуқароларни хорижий тиллар ва касба ўргатиш, хориждаги ватандошлар билан мулоқотни кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Тараққиёт стратегиясидаги яна бир муҳим йўналиш — Ватанимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очiq ва прагматик, фаол ташқи сиёсат олиб боришга қаратилган.

Шу мақсадда Янги Ўзбекистон хавфсизлиги концепцияси қабул қилинади. Ахборот технологиялари билан боғлиқ хуружларнинг олдини олиш ва киберхавфсизликни таъминлаш тизими яратилади. Фавқулодда вазиятларни бошқариш тизими такомиллаштирилади. Ички ва ташқи молиявий оқимларни мониторинг қилиш ва бу билан боғлиқ хавф-хатарларнинг олдини олишга қаратилган янги механизмлар жорий этилади.

Президентимиз тараққиёт стратегияси ва йиғилишдаги топшириқларга доир ҳужжатларни пухта ишлаб чиқиш, уларнинг ижроси ҳақида кенг жамоатчиликка ҳисобот бериб бориш талабини қўйди.

— Ҳамма ўзгаришларни, дастурларнинг амалдаги ижросини одамлар кундалик ҳаётида ҳар куни сезиши керак. Мана шу асосий мақсад, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Вазирлар Маҳкамасига Тараққиёт стратегияси ва жорий йилги Давлат дастури бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича кўрсатмалар берилди. Ҳокимликларга ҳудудий дастурларни ушбу ҳужжатлар билан уйғунлаштириб, кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш вазифаси қўйилди.

— Ҳамма ислохотларни, ҳамма ҳаракатларни жамият билан бирга қиламиз. Ҳаммамиз бир куч, бир қудрат бўлиб халқимизга хизмат қилишимиз керак, — деди Президентимиз.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, вазирлар, ҳокимлар, жамоатчилик вакиллари сўзга чиқди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ “ҲИНДИСТОН – МАРКАЗИЙ ОСИЁ” САММИТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 январь куни видеоанжуман шаклида ўтадиган “Ҳиндистон — Марказий Осиё” биринчи саммитида иштирок этади.

Ҳиндистон Республикаси Бош вазир Нарендра Моди ташаббуси билан ташкил этилаётган олий даражадаги учрашув кун тартибига мувофиқ, кўп томонлама муносабатларни янада кенгайтириш, минтакавий боғлиқликни кучайтириш ҳамда минтақада барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш масалалари кўриб чиқилади.

Савдо, саноат кооперацияси, “яшил” иқтисодиёт, инновациялар ва рақамли

технологиялар, транспорт ва логистика, маданий-гуманитар алмашинув соҳаларида амалий ҳамкорликни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилади.

Саммит якунида дўстлик муносабатларини ва устувор йўналишларда узоқ муддатли шерикликни мустаҳкамлашга қаратилган Деҳли декларациясини қабул қилиш кўзда тутилган.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ХИЗМАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА КўЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

2019-2021 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш бўйича миллий дастур доирасида диагностика ва даволашнинг янги стандартлари тасдиқланди. 75 минг нафарга яқин беморлар 40 миллиард сўмдан зиёд Давлат бюджети маблағлари ҳисобига 100 фоииз инсулин билан бепул таъминланди, 200 миллиард сўмга яқин маблағ эвазига 14 та ҳудудий эндокринология муассасаларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, 3,3 миллион АҚШ доллари миқдорига

замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Шу билан бирга, эндокринология хизматини республика бўйича ягона интеграциялашган тизим сифатида шакллантириш, йод етишмовчилиги билан боғлиқ касалликлар профилактикаси, қандли диабет касаллиги ҳамда унинг оқибатларининг олдини олиш билан боғлиқ тиббий-ижтимоий тадбирлар самарадорлигини қайта кўриб чиқиш талаб этилмоқда.

Давоми 2-бетда



ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҲИНДИСТОН: Яқин дўстлик ва МУСТАҲКАМ ШЕРИКЛИК

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги яқин дўстлик муносабатлари узоқ тарихга бориб тақалади. Ҳиндистон Ўзбекистонда бой тарих ва ўзига хос маданиятга эга мамлакат сифатида машҳур бўлиб, ўзбек халқи билан кўп асрлик маданий, савдо-иқтисодий ҳамда самимий дўстлик ришталари билан боғланган ўлка.

Жорий йил март ойида икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги кенг нишонланди. 1992 йил 18 март куни томонлар Дипломатик ва консуллик масалалари бўйича протокол имзолаган ва шу тарзда Ҳиндистон Ўзбекистон давлат мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган хорижий ҳамкорлар сафига кирган.

Ҳиндистон билан узоқ муддатли стратегик шерикликни мустаҳкамлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. 2011 йил май ойида мамлакатлар ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланган. Мазкур ҳужжат томонлар ўзаро манфаатли деб ҳисоблаган сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларнинг барча жабҳаларида кенг қўламли ҳамкорликни ривожлантириш имкониятларини янада кенгайтди.

Кўп асрлик дўстлик муносабатлари аъёналарига содиқ ҳолда, бугунги кунда Ўзбекистон ва Ҳиндистон давлатларо шерикликни сифат жиҳатидан янги

даражага олиб чиқишдан ўзаро манфаатдор эканини намоён этмоқда.

Бу борада Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги алоқалар сўнгги йилларда янги поғонага кўтарилганини таъкидлаш лозим. Аввало, икки давлат раҳбарлари ўртасида йўлга қўйилган мунтазам ва изчил сиёсий мулоқот икки томонлама муносабатларнинг янада ривож топиши учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил октябрь ойида Ҳиндистонга давлат ташрифи натижасида турли устувор соҳалардаги ҳамкорликка оид 20 та ҳужжат имзолангани ўзаро ҳамкорлик тарихида янги саҳифа очди. Бундан ташқари, Ўзбекистон раҳбарининг 2019 йил январь ойида “Жўшқин Гужарат” глобал сармоявий саммитида бош меҳмон сифатида иштирок этиши мамлакатимизнинг Ҳиндистон билан яқин ҳамкорликни фаоллаштириш бўйича қатъий истагини намоийш қилди.

Давоми 5-бетда



УЛУҒВОР ВА ОЛИЖАНОБ МАҚСАДЛАР

ФИДОЙИЛИК, МАСЪУЛИЯТ ВА ЭЛ РОЗИЛИГИ БИЛАН АМАЛГА ОШАДИ

— Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси мамлакатимизни яқин йилларда тараққиёт эттириш, Чинчи Ренессанс пойдеворини мустаҳкам барпо этишга замин яратадиган муҳим дастуриламалдир. Шу боис, ушбу ҳужжат нафақат мамлакатимизда, балки халқаро миқёсда ҳам катта қизиқиш ва диққат билан ўрганилди, ўрганилмоқда.

Фикримизга исбот сифатида бир-икки мисол келтириб ўтмоқчиман. Масалан, Парламентлараро Иттифоқ бош котиби Мартинг Чунгонг Ўзбекистон Президентининг миллий парламентлар ролини ошириш ва Ўзбекистонда Жаҳон мамлакатлари парламентлари аёл спикерлари саммитини ўтказиш борасидаги

тақлифига юқори баҳо берди. Бундан ташқари, ёшлар парламентлари ролини кучайтириш ва парламентда, маҳаллий кенгашларда хотин-қизлар ўрнини кўпайтириб боришдаги сиёсатини жаҳон миқёсида ўрнак олишга аргигулик муҳим ташаббус сифатида эътироф этди.

Давоми 3-бетда

Эндокринология хизматини такомиллаштириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Бошланиши 1-бетда

Аҳолига кўрсатилаётган эндокринологик ёрдамнинг самарали ҳамда замонавий тизимини шакллантириш, касалликлар ва уларнинг асоратлари профилактикасини такомиллаштириш, аҳолига юқори малакали эндокринология ёрдамини кўрсатиш сифатини ҳамда ушбу йўналишдаги тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш мақсадида:

1. Қуйдагилар аҳолига кўрсатилаётган **эндокринология хизматини ташкил этишнинг энг муҳим йўналишлари** этиб белгилансин:

а) академик Ё.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази (кейинги ўринларда — Марказ) — ҳудудий тиббиёт муассасалари — туман (шаҳар) тиббиёт муассасалари ўртасида тизимли узвий боғлиқлики таъминлаш;

б) соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўлинида **эндокрин касалликлар профилактикаси, уларни барвақт аниқлаш ва бошқариш** дастурларини амалиётга жорий этиш. Бунда:

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари ва оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли ўртасида **соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш ҳамда жисмоний фаоллики** оширишни тарғиб этиш;

оилавий шифокорларни **қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш** орқали касаллиқни барвақт аниқлаш ва олдини олиш кўламини кенгайтириш;

туман (шаҳар) тиббиёт муассасалари тор соҳа мутахассислари фаолиятига **эндокрин касалликларни эрта ташхислаш, асоратларнинг олдини олиш** алгоритмларини жорий қилиш;

в) қандли диабетга чалинган беморларнинг **замонавий диспансер назорати** (онлайн регистр) тизимини жорий этиш орқали ҳар бир бемор ҳолатининг мониторингини юритиш;

г) аҳолининг касаллиқка чалиниш хавфи юқори бўлган гуруҳлари, жумладан, болалар, ўсимирлар, ҳомиладор ва эмизликли аёлларни **йод препаратлари билан бепул таъминлаш орқали йод танқислиги касаллигининг** самарали профилактикасини таъминлаш;

д) “Профилактика мактаблари”га тор соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда беморлар ва уларнинг оила аъзоларига **эндокрин касаллиқни бошқариш усуллари**ни ҳамда касаллик билан яшашни ўргатиш;

е) ташхислаш ва даволашнинг юқори технологияли ҳамда инновацион усуллари амалиётга жорий этиш орқали ҳудудларда ва Марказда юқори технологик жарроҳлик **амалиётлари улушини** ошириш;

ж) эндокринология йўналишида **илмий-тадқиқот фаолиятини** такомиллаштириш, соҳа **ходимларининг илмий салоҳиятини** ошириш.

2. **2022 йил 1 апрелдан бошлаб** эндокрин касалликларни эрта аниқлаш ва мақсадли кузатишни таъминлаш учун қуйдагиларни назарда тутуви **тиббий кузатув ва патронажнинг янги модели** жорий этилсин:

оилавий шифокорларни **эндокрин касалликларни ташхислаш ҳамда даволаш бўйича** қайта тайёрлаш;

эндокрин касалликлар мавжуд оила-ларга **махсус тайёргарликдан ўтган патронаж ҳамширасини** бириктириш;

патронаж ҳамшираси томонидан **эндокрин касаллиги бўлган, умумий ҳолати қониқарли ёки хавф гуруҳидаги аҳолини эрта аниқлаш** ва дифференциаллашган ёндашув асосида кузатиб бориш;

тиббий кузатув натижалари бўйича хавф омиллари юқори бўлган беморларни **шифокор олди кўриги хоналари** ҳамширалари ҳамда оилавий шифокорларга йўналтириш;

эндокрин касалликлар бўйича хавф гуруҳига кирувчи беморлар устидан доимий кузатув ўрнатиш мақсадида барча тиббиёт бригадаларини **глюкометр ва махсус тест япроқчалари** билан таъминлаш;

ташхислаш ва даволаш мақсадида беморларни **бир кунлик диагностика станциялар** кузатиш тизимини жорий этиш.

3. 2022-2024 йилларда республика аҳолисига **эндокринология ёрдами кўрсатишни ривожлантириш дастури** (кейинги ўринларда — Дастур) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

а) ҳар йили камида бир марта 40 ёшдан ошган аҳоли қандли диабет ва диабет олди ҳолатлари учун **мақсадли скринингдан ўтказилади** ҳамда эндокрин касалликлар аниқланган беморлар билан мунтазам алоқа ўрнатилади. Бунда сурункали эндокрин касалликлар ривожланишининг олдини олиш учун **эндокрин касалликларни даволашнинг замонавий клиник протоколлари ва алгоритмлари** жорий этилади;

б) 2022 йил 1 февралдан бошлаб **анъанавий ва масофавий (аралаш) усулда тиббиёт ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш** тизими йўлга қўйилади. Бунда:

патронаж ҳамширалари ҳамда оилавий шифокорлар учун эндокрин касалликларнинг олдини олиш, эрта ташхислаш ва даволаш бўйича **икки ҳафталик** ўқув курслари ташкил этилади;

эндокринолог шифокорларни қайта тайёрлаш учун ур ячим оилик ўқув курслари йўлга қўйилади. Бунда улар дастлабки икки ярим ой давомида Марказда

ўқитилади ҳамда бир ой давомида туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларида амалиёт ўтади;

ҳудудларда фаолият юритаётган **эндокринолог шифокорларнинг малакасини ошириш учун бир оилик** ўқув курслари ташкил этилади;

в) 2022 йил 1 апрелга қадар:

зарур **глюкометр, махсус тест япроқчалари ҳамда игналар** марказлашган тартибда харид қилинади ва тиббиёт бригадаларига етказилади;

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида белгиланган стандартларга мувофиқ жиҳозланган **шифокор олди кўриги хоналари** ташкил этилади;

туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларидаги **эндокринолог шифокор хоналари** зарур тиббий ускуналар билан жиҳозланади.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) **25 ёшгача бўлган қандли диабетнинг биринчи тури** билан касалланган беморлар **аналогли инсулин** ҳамда **ўзини ўзи назорат қилиш воситалари** (глюкометр ва махсус тест япроқчалари) билан;

қандсиз диабет билан касалланган беморлар, **соматотроп етишмовчилик** билан касалланган болалар ҳаётий зарур махсус дори воситалари (десмопрессин ва ўсиш гормони) билан;

25 ёшдан ошган қандли диабетнинг биринчи тури билан касалланган инсулинга муҳтож, шунингдек, **қандли диабетнинг иккинчи тури** билан касалланган беморлар **одам инсулини** билан;

қандли диабетнинг иккинчи тури билан касалланган ҳамда эҳтиёжманд сифатида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га бўлган беморлар **метформин дори воситаси билан бепул таъминланади**;

б) беморларга бепул бериладиган дори воситалари ва тиббий жиҳозлар марказлашган тартибда харид қилинади ҳамда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари орқали тақсимланади.

6. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан давлат-хусусий шериклик асосида 2020 йилнинг 10 февралда “Тошкент шаҳрида намуна сифатида марказлаштирилган клиник диагностика лабораториясини ташкил этиш, жиҳозлаш ва эксплуатация қилиш тўғрисида”ги 1-33К-сон қарорига шартномаси имзоланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев):

Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда қарор қилинган шартномаси доирасида **2022 йил 1 апрелдан бошлаб** Тошкент шаҳридаги барча поликлиника ва туман тиббиёт бирлашмалари лабораторияларини марказлаштириш;

2022 йил якунига қадар тажриба сифатида ҳар бир ҳудуддан биттадан туман

(шаҳар) тиббиёт бирлашмаси муассасаларининг лабораторияларини марказлаштириш ва давлат-хусусий шериклик асосида аутсорсингга бериш чораларини кўриш.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) 2023 йил 1 апрелгача тажриба натижаларига мувофиқ лаборатория хизматини яхшилаш юзасидан асосланган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

тиббиёт ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, глюкометр, махсус тест япроқчалари ва игналар, десмопрессин, ўсиш гормони, аналогли инсулин, одам инсулини ҳамда метформин махсус дори воситаларини харид қилиш билан боғлиқ харажатлар **Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан 2022 йилда соғлиқни сақлаш тизими учун ажратиладиган маблағлар** ҳисобидан;

шифокор олди кўриги ва эндокринолог шифокор хоналарини ташкил этиш ҳамда зарур тиббий ускуналар билан жиҳозлаш, шунингдек, марказий лабораторияларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар **тегишли маҳаллий бюджетлар маблағлари** ҳисобидан амалга оширилади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ҳафта мuddатда мазкур қарор талабларига мувофиқ тегишли ҳудудларда 2022-2024 йилларда эндокринология ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича **ҳудудий дастурларни** ишлаб чиқсин ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида қўриб чиқишлиш ва тасдиқланишини таъминласин.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг оилавий поликлиникалар ҳамда туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларидаги катталар ва болалар шифокор эндокринологи лавозимларининг **штат меъёрларини бир штат бирлигидан кам бўлмаган миқдорда** белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Иноят) Молия вазирлиги (Ж.Абруев), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Б.Умурзаков) билан биргаликда бир ой мuddатда оилавий поликлиникалар ҳамда туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари штат меъёрларини қайта қўриб чиқсин ва тасдиқласин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Қурилиш вазирлиги (Б.Зокиров), Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.Артиқходжаев) билан биргаликда Марказ ҳамда унинг кўп тармоқли клиникаси янги бино ва иншоотларини қуриш, таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишларини **2022 йил 1 майга қадар** якунлаш чораларини курсин.

Бунда замонавий талаблар асосида зарур йўналишдаги бўлимларни, шунингдек, махсус лабораторияларни яратишни назарда тутган ҳолда қурилиш ишлари олиб борилиши ва тиббий техникалар билан жиҳозланиши таъминлансин.

11. Қуйдагилар Марказнинг эндокрин касалликларнинг олдини олиш ва даволаш соҳасидаги **қўшимча вазифалари ва фаолият йўналишлари** этиб белгилансин:

метаболик синдром йўналишида фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга ошириш ҳамда инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш;

метаболик жарроҳлик амалиётларини амалга ошириш, эндокрин касалликларни **рентгенэндоваскуляр ташхислаш ва даволаш** ҳамда буйрак усти безларига жарроҳлик аралашувининг **каминвазив эндовизуал** усулларини жорий этиш;

дори воситаларининг ножўя таъсири-ни ўрганиш ва минималлаштириш доирасида марказлашган **клиник синовлар менежменти ва сифат назорати** тизими яратиш;

хорижий давлатларнинг мазкур соҳадagi **илмий ташкилотлари ва марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини** ўрнатиш ҳамда биргаликда тадқиқотларни олиб бориш;

коронавирусда қандли диабетнинг кечилиши илмий-амалий жиҳатдан ўрганиб, унинг олдини олиш бўйича стандартларни ишлаб чиқиш;

соҳа мутахассисларини **ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш** учун ўқув дастурларини ишлаб чиқиш.

12. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Марказ ҳамда ҳудудий тиббиёт муассасаларидан шаффоф танлов асосида танлаб олинган **50 нафаргача эндокринолог мутахассисларни** ҳар йили нуфузли хорижий эндокринология марказларида малака оширишга юбориш, шунингдек, Марказнинг илмий малака кенгаши фаолиятига етакчи хорижий мутахассисларни жалб этиш чораларини кўриш.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Молия вазирлиги (Т. Ишметов) билан биргаликда **икки ой мuddатда**:

соғлиқни сақлаш муассасаларида **пуллик хизматларни ривожлантириш**

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 26 январь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА



Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан сўнгги йилларда аҳолининг, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг тадбиркорликка бўлган иштиёқини қўллаб-қувватлаш, шу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, оилалар даромади манбаини мустаҳкамлашга қаратилган “Оилавий тадбиркорлик” дастури, “Лидер тадбиркорлар” ташаббуси, “Ёшлар 1+1”, “Ҳар бир тадбиркор — ёшларга мададкор” каби лойиҳалар кенг миқёсда амалиётга татбиқ этиб келинмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг навбатдаги мажлисида мазкур ташаббуслар ва уларни амалга оширишнинг янада такомиллашган комплекс тизими ва аниқ ташкилий механизмлари баён этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорлиқни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4862-сон ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги “Ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунарга тадбиркорликка ўқитиш дастурларини самарали амалга ошириш ҳамда уларнинг тадбиркорлик фаолияти учун микрокредитлар ажратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 388-сон қарорларида белгиланган вазифа ва чора-тадбирлар бажарилишининг натижадорлиги юзасидан республика ҳамда маҳаллий давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг, хусусан, Тадбиркорлиқни ривожлантириш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Б. Аҳмедов, Ёшлар ишлари агентлиги директори А. Саъдуллаев, Савдо-саноат палатаси раиси А. Икромов, “Микрокредитбанк” АТБ раи-

си О. Бўтаев, АТ “Халқ банки” раиси Ш. Атабаев, Фаргона вилояти ҳокими Ф. Бозоров, Хоразм вилояти ҳокими Ф. Эрманов ҳисоботлари эшитилди.

Аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни бизнес кўникмаларига ўқитиш, уларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишида амалий кўмаклашиш бўйича **яхлит тизим** ҳамда қатор **имкониятлар яратиш** бораберида Тадбиркорлиқни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) **ҳамда мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан** амалга оширилаётган аниқ чора-тадбирлар самараси ўлароқ қуйдагилар таъминланганлиги алоҳида қайд этилди, жумладан:

Агентлик аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш бўйича **ваколатли давлат органи** этиб белгиланди;

АҚШнинг Виржиния штати До-миникон университетига вице-президенти билан ҳамкорликда **ўқув дастурлари ишлаб чиқилиб**, НТТ-ларнинг тадбиркорлик йўналишидаги ўқув курслари **ягона стандартга мослаштирилган**;

республика миқёсида касб-хунарга тадбиркорликка ўқитишга ихтисослашган **459 та таълим ташкилоти** (кейинги ўринларда — НТТ) **электрон реестри** шакллантирилган. Ҳозирда **38 та** НТТ томонидан ўқитиш ишлари бошланиб, **1 673 нафар** ёшлар ва хотин-қизлар ўқув курслари билан қамраб олинган;

ўқув курсларини тамомлаган ҳар бир битирувчи учун ўқишга сарфланган харажатининг **70 фоизи**, бироқ **1 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда давлат томонидан компенсация** қилиб бериш жорий этилган;

“Ёшлар: 1+1” ташаббуси доирасида ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида бугунги кунда **92 мингдан ортиқ** тадбиркор ва хунарамандларга **411 минг** нафар ёш бириктирилган;

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан аҳолини тадбиркорликка **НТТ орқали** ўқитиш ва фуқаролар ўз бизнесини йўлга қўйишини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадларига **100 млн. АҚШ доллари**, ёшлар ва хотин-қизларни ўқитиш бўйича ўқув курсларини ташкил этган **нодавлат нотижорат ташкилотлари**ни (кейинги ўринларда — ННТ) **давлат томонидан қўллаб-қувватлаш** чораларини молиялаштиришга **2 млн. АҚШ доллари** эквиваленти миқдорида маблағ йўналтирилган;

ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаб **сертификат олган шахсларга** ўз бизнесини ташкил этиш учун **33 млн. сўмгача таъминот-сиз**, **225 млн. сўмгача** имтиёзли кредитлар ажратилмоқда;

компенсация бериш тартибини янада соддалаштириш, реал вақт режимида мониторингини таъминлаш мақсадида “Ўқитиш — компенсация бериш — кредитлаш” тизимини Марказий банкнинг **www.oiaikredit.uz платформаси билан интеграция қилиш** юзасидан музокаралар олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, Агентлик, Бандлик ва меҳнат муносабатлари

вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Савдо-саноат палатасининг ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка **бепул ўқитиш** бўйича ишларни ташкил қилишга қаратилган **қўшма қарори** асосида Савдо-саноат палатаси ҳузурида ташкил этилган НТТлар томонидан ташкил этилган ўқув дастурлари **114 339 нафар** ёшлар ва хотин-қизлар ўқув курслари билан қамраб олинган.

Шунингдек, ўз бизнес-режасини ҳаётга татбиқ этиш истагини билдирган **43 514 нафар ёшлар ва хотин-қизларга** тижорат банклари томонидан **1,1 трлн. сўм** кредит ажратилган.

Муҳокамалар жараёнида ёшлар ва хотин-қизларни ўқитиш тизими фаолиятини йўлга қўйишнинг ҳар бир босқичида муайян ижобий натижаларга эришилганига қарамай, топшириқлар ижросини таъминлашда қатор муаммолар, ташкилий камчиликлар сақланиб қолаётгани тасдиқлаб ўтилди.

Мажлисда мутасадди вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимликлар, ҳисобот тақдим этган раҳбарлар фаолиятига объектив баҳо берилиди ҳамда улар олдида тегишлилигича, мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан қуйдаги вазифалар қўйилди, жумладан:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига:

аҳолини касб-хунарга тадбиркорликка ўқитишни ташкил этиш доирасида ўқув фаолияти билан шуғулланувчи ННТларни кенг жалб этиш чораларини кўриш;

НТТларга фаолият ҳудудини кенгайтиришга кўмаклашиш мақсадида чекка ҳудудларда ўз **филиалларини очилиши**да амалий ёрдам кўрсатиш;

НТТларга мактаб, коллеж биналаридан **фойдаланишига рухсат бериш** масаласини қўриб чиқиш **топирилиди**.

2. Тижорат банкларига микрокредитларни ажратилишда анъанавий йўналишлар билан бирга, **ноанъанавий хизмат турларини пропоруционал молиялаштиришни** йўлга қўйиш **таъсия қилинди**.

Мажлис якуни бўйича Вазирлар Маҳкамаси Раёсати қарори қабул қилинди.

МУНОСАБАТ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ХИТОЙ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ВА ЁРҚИН ИСТИҚБОЛЛАРИ

Содиқ САФОЕВ,
Олий Мажлис Сенати
Раисининг биринчи ўринбосари

25 январь куни Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ташаббуси билан дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигига бағишлаб ташкил этилган Марказий Осиё ва Хитой давлат раҳбарларининг видеоанжуман шаклидаги учрашуви нафақат минтақамиз, балки бутун дунё жамоатчилиги томонидан муҳим сиёсий воқеа сифатида катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Мазкур саммит халқаро экспертлар томонидан қизгин муҳокама қилинмоқда. Бу бежиз эмас. Зеро, Марказий Осиё давлатлари ва Хитой ўртасидаги алоқалар чуқур тарихий илдизларга эга. Бугунги кунда ҳам тарихий аъёнчаларга мос тарзда ҳамкорлик алоқалари тобора кенгаймоқда.

Шу ўринда тарихга назар солсак, минтақамиз ва Хитой ўртасидаги алоқалар ривожланишида иккита муҳим омил бўлганини кўрамыз. Биринчиси, савдо-сотик алоқалари. Буюк ипак йўли бу борада муҳим ўрин тутган. Марказий Осиё орқали ўтган бу йўл давлатларнинг иқтисодий тараққиётини таъминлаш бораберида халқлар ўртасида маданиятлар алмашинуви кучайтириш, дўстлик, ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашда юксак аҳамият касб этган.

Охириги ўттиз йилда Хитой Халқ Республикаси ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилди. Хитойнинг ташқи сиёсатидаги “Қўшнингга яхшилик қил, қўшини ҳамкор сифатида кўр” деган тамойили ўзаро алоқаларнинг ривожига хизмат қилмоқда. Бу, албатта, Ўзбекистоннинг бугунги ташқи сиёсати ва ташқи сиёсат концепциямизга ҳам тўла мос келади. Шунинг учун ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Хитой билан ҳамкорлик ва Ўзбекистон, ҳам минтақамиз учун катта аҳамиятга эга эканини доим таъкидлабди. Айни шу боис, алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Ҳамкорлик ўзаро дўстлик ва стратегик шерикчилик



тамоийллари асосида йўлга қўйилгани глобал пандемия даврида ҳам ўз аҳамиятини яққол намоян этаётди.

Икки мамлакат олимлари ва мутахассислари ҳамкорликда коронавирусга қарши ўзбек-хитой вакцинасини ишлаб чиқди ва ундан самарали фойдаланилганди. Буларнинг барчаси биз айтмоқчи бўлган иккинчи тамойил — Хитой ва Марказий Осиё давлатлари бир-бирига азал-азалдан елкадош бўлгани, кўмак бергани, бу қадриятлар бардавом яшаб келаётганини кўрсатади.

Президентимизнинг саммитда сўзлаган нутқида Хитой ва Марказий Осиё алоқаларининг тарихий илдизлари ва бугунги замонавий тамойиллардан келиб чиқиб, аниқ таклифлар илгари сурилди. Жумладан, глобаллашув жараёнлари, туртинчи саноат инқилоби, экологик муаммолар, пандемияга қарши курашиш ва бошқа қўллаб-қувватлаш масалалар қамраб олинди. Ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, халқларимиз ўртасида дўстона алоқаларни ва ўзаро ишонч муҳитини мустаҳкамлаш энг муҳим вазифалардан бири экани таъкидланди. Бу борада қўлланган мақсадларга эришиш учун парламентлар ўртасидаги алоқаларнинг ҳам ў

УЛУҒВОР ВА ОЛИЖАНОБ МАҚСАДЛАР

ФИДОЙИЛИК, МАСЪУЛИЯТ ВА ЭЛ РОЗИЛИГИ БИЛАН АМАЛГА ОШАДИ



Акмал САИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Спикерининг биринчи ўринбосари:

Бошланиши 1-бетда

Женева дипломатик корпуси доираси президенти Робер Блумнинг фикри ҳам ниҳоятда аҳамиятли. Унинг айтишича, Президент Шавкат Мирзиёевнинг хусусий мукни, тadbиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, хусусий секторни ривожлантириш борасидаги ғоялари, ташаббуслари,

аввало, фуқароларимиз фаровонлигини ошириш, иқтисодий ривожлантиришга замин яратмоқда.

“Diva International” журнали бош муҳаррирининг айтишича, Ўзбекистон Президенти ҳақиқий демократ сифатида инсон қадрини юксалтиришни жамиятдаги устувор вазифага айлантирди. Инсон қадрини юксалтириш — инсон ҳуқуқини ҳимоялаш, манфаатларини таъминлаш дегани.



Жамшид ҚҶҶҚОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош вазири ўринбосари,
иқтисодий тараққиёт
ва камбағалликни қисқартириш вазири:

— Тараққиёт стратегиясининг учинчи йўналиши, бу — Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодий тараққиёт суръатларда ривожлантириш. Бунда 2026 йилга бориб Ўзбекистон Республикасининг ялпи ички маҳсулотини 100 миллиард долларга, шу билан бирга, жон бошига ялпи ички маҳсулотни 2800 долларга етказиш мақсад қилинган.

Бу ҳақиқатан ҳам жуда катта ва муҳим вазифа. Бироқ амалга ошириш бўлади. Бунинг аҳамиятини кўрсатиш учун бир мисол келтириш мумкин: 2021 йил натижалари билан бизда жон бошига ялпи ички маҳсулот қарийб 2000 долларга етиб қолди. Демак, жон бошига ялпи ички маҳсулот беш йилда 40 фоизга ўсиши керак. Бу жуда катта рақам. Чунки аҳоли ўсиб борапти, шу билан бирга, унинг эҳтиёжлари ҳам ортмоқда. Президентимизнинг бундан аввалги бир қанча маърузаларида, сайловолди учрашувларида мана шу мақсадга эришишнинг асосий йўналишлари кўрсатиб берилган.

Аввало, мамлакатимизнинг макромиктисодий барқарорлигини таъминлаш, келгуси йилда инфляцияни тўққиз фоиз

атрофида ушлаб туриш, бунинг учун ташқи қарз ҳамда кредитларни, давлат бюджети тақчиллигини 3 фоиз миқдорда чеклаш, умуман, давлат ресурслари, биринчи навбатда, бюджет маблағларининг ҳар бир сўмидан самарали фойдаланиш асосий вазифалар этиб белгиланди.

Шунингдек, жуда ҳам муҳим устувор вазифа — жон бошига даромадни ошириш мақсадида давлатимиз раҳбари янги институт ташкил қилиб берди. Бу “маҳаллабай” ишлашни ҳоким ёрдамчилари орқали ташкил этишдан иборат. Бугун мамлакатимиздаги 9309 та маҳаллада ҳоким ёрдамчилари фаолиятини бошлади. Келгусида 10 триллион сўмдан ортиқ оилавий тadbиркорлик кредитлари берилади. Бундан ташқари 1,2 триллион сўмдан ортиқ субсидиялар ажратилади.

Маҳаллани ривожлантириш орқали одамларнинг даромадини кўпайтириш иккинчи устувор йўналиш ҳисобланади. Ялпи ички маҳсулотимизни 100 миллиард долларга етказиш мақсадида саноатда, хизмат кўрсатиш соҳасида жуда юқори ўсиш суръатларини таъминлашимиз керак. Бугунги кунда ҳар бир фуқаро Ўзбекистонда ўз тadbиркорлигини бошлаши учун етарли даражада имкониятга эга. Бизнинг вазифамиз тadbиркорликни қўллаб-қувватлашни маҳалладан бошлаб умуммиллий даражага олиб чиқиш.

Яна зиммамизга юкланган энг катта вазифалардан бири бу — янги иш ўринлари яратиш. Биз келгуси йилда 2,2 миллион атрофида янги иш ўрни ташкил этишимиз керак. Бунинг қарийб 1,5 миллиони хизматлар соҳасига тўғри келади. Хизматлар соҳаси Ўзбекистон учун энг муҳим драйверлардан бири ҳисобланади. Масалан, 2021 йилда савдо ва хизматлар соҳаси мамлакатимизда 18 фоизга ўсди. Бу энг юқори кўрсаткич. 2022 йилда, насиб бўлса, қарийб 30 фоизга ўсиши кутилмоқда. Демак, 30 фоизга ўсаётган тармоқда, албатта, 1,5 миллион иш ўрни яратиш имкони мавжуд. Қолганлари ҳунармандчилик, оилавий тadbиркорлик, жамоат ишларида ташкил этилади. Ишонтириб айтишим мумкинки, бу иш ўринларини яратиш учун барча ташкилий, молиявий, иқтисодий имкониятларимиз мавжуд.

Нормат ТУРСУНОВ, Навоий вилояти ҳокими:

— Шу кунларда халқимиз билан ҳамжихатликда янги тараққиёт даврига қадам қўйдик. Бу йўлда мақсадлар, режалар ва муддаоларимиз улкан.

Кеча Президентимиз раислигида Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини белгилаш ҳамда уни жорий йилда амалга ошириш масалалари муҳокамаи юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу борада олдимизга қўйилган вазифалар аниқ-тиниқ белгилаб берилди.

Ҳап шу ҳақида кетганида, Тараққиёт стратегиясининг 7 та устувор йўналиши доирасида 100 та мақсадга эришишга қаратилган чора-тadbирларга Навоий вилоятини 5 йиллик ривожлантириш дастуридан келиб чиқиб билдирилган тақдирлар ҳам эътиборлидир.

Унда вилоятнинг олис ҳудудлари — Томди, Учқудук, Конимех, Нурота туманларида янги ташкил этиладиган тadbиркорлик субъектларига айланмадан олинадиган солиқ ставкаси 2025 йил 1 январга қадар 1 фоиз этиб белгиланиши, юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, мол-мулкка солинадиган солиқларни ҳисобланган сўммадан 1 фоиз миқдорда тўлаш, вилоятда кимё кластерини ташкил этиш, аэропорт базасида халқаро интермодал логистика маркази бошқарувида йирик хорижий оқ операторини жалб қилиш, Кармана туманидаги Мавлоно Ориф Дегтароний меъморий мажмуасини реставрация қилиш ҳамда уни сайёҳлик маршрутига киритиш, зиёрат ва экотуризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш, хусусан, Нурота туманида “Сентоб” туризм қишлоғини ташкил қилиш ва бошқа қўллаб-масалалар илгари сурилган.

Шу каби мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, ислохотларга ҳамоҳанг тарзда келгусида маҳаллаларни обод ва фаровон ҳудудга айлантиришга асосий эътибор қаратишни мақсад қилганмиз.

Бугунги кунда вилоятимиздаги қишлоқ ва овулларда 2 минг километрга яқин тўпроқ йўл бор. Жорий йилда барча тўпроқ йўлларни тўлиқ таъмирлаш белгиланган.

Агар бизнинг тақдирларимиз маъқулланса, келгуси беш йилда вилоят бўйича минг километрдан зиёд ичимлик сув ва 90 километр каналлаштириш тармоқлари қурилади. Бу йилнинг ўзида ичимлик сув билан таъминланиш даражаси 68,2 фоиздан 75,6 фоизга етказилади. Шунингдек, 114,4 мингта электр симёғочи, 1235 та трансформатор ва 14 та подстанция ўрнатилади. Жорий йилда эса 22,4 мингта симёғоч, 250 та трансформатор ва 2 та подстанция ўрнатишни мақсад қилганмиз.



2022–2026 йилларда вилоятда 8 та янги мактаб қуриш режалаштирилган, ўз навбатида, 62 та мактабни таъмирлаш ҳисобига мактаблар қуввати 22 минг ўринга оширилиб, 182 мингтага етказилади. Қолаверса, мактабга таълим ташкилотлари сони етарли бўлмаган ҳудудларда 17 та давлат, 466 та оилавий ва 26 та давлат-хусусий шериклик асосида МТТ ташкил этилади.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати янги босқичга олиб чиқилади. Жумладан, Хатирчи, Навбахор туманлари ва Зарафшон шаҳрида перинатал марказлар, Зарафшонда ўткир қон-томир касалликлари ва шикастланиш маркази ташкил қилинади. Барча иختисослашган тиббий хизматларни бир жойда кўрсатиш ва сифатини ошириш учун Навоий шаҳрида тиббий кластери ташкил этилади. Катта ёшли аҳоли учун 150 ўринли юқумли касалликлар шифохонаси қурилади. Ногиронлиги бўлган ва тиббий реабилитацияга муҳтож беморлар учун минтақавий реабилитация маркази барпо этилиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланади. Биргина 2022 йилнинг ўзида 2 та янги шифохона қурилади, 7 таси реконструкция қилинади.

Шунингдек, жорий йилда кардиология марказининг вилоят филиалини қуриш, ҳудудимизда кўрсатилаётган юқори технологияли амалиётлар сонини 15 тадан 35 тага ошириш орқали республика муассасаларига муҳожаат қилаётган беморларнинг камида 75–80 фоизини вилоятнинг ўзида даволашга эришиш мақсад қилинган.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари бўйича энг оғир 22 та маҳаллани белгилаб олганмиз. Бу ҳудудларда 361,4 километрдан иборат автомобиль йўли, 242 километр ичимлик сув, 24,5 километр газ, 364 километр электр тармоқлари тортилиши ҳамда 23 та мактаб, 12 та МТТ, 10 та тиббиёт, 13 та маҳалла бинолари қурилиши ва таъмирланиши режалаштирилган.

Бу йил иқтисодий йўналишда умумий қиймати 5,8 триллион сўмлик 842 та лойиҳа

амалга оширилиши белгиланган. Ушбу лойиҳалар эгаси, молиявий манбаси аниқ шакллланган. Бунинг натижасида 8718 та иш ўрни яратилади.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича 244,2 минг АҚШ доллари белгиланган эди. Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир туман ва шаҳар ҳокими қўзда тутилган инвестиция режасини ортиги билан бажаришга доир топширигидан келиб чиқиб, бу борадаги ишларни янада жонлантириш мақсад қилинган. Бу, албатта, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш бўйича янги тизим асосида, яъни лойиҳа гуруҳлари билан биргаликда амалга оширилади.

Бош мақсадимиз вилоятда камбағалликни тугатиш ва янги иш ўринлари яратиш. Шунинг учун жорий йил якуни билан вилоятдаги эҳтиёжманд оилалар реестридаги 26 минг ҳамда 39,4 минг нафар ишсиз аҳолининг тўлиқ бандлигини таъминлаймиз.

Шу билан бирга, аҳоли тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши, ўзини ўзи банд қилиши ва иш билан таъминлаш бўйича жами 113,4 миллион сўмлик субсидиялар ажратилади. Бу ишларимизни, албатта, янги тизим — “маҳаллабай” ишлаш асосида ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари билан уйма-уй юриб амалга оширамиз.

Айни пайтда ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари жойларда эҳтиёжманд оилалар сони, кредит маблағига талабдорлар, тadbиркорлик қилиш истигадагилар, ишсизлар, соғиларида муаммоси борлар ва шaroити оғир оилаларни хатловдан ўтказиш ишларини якунига етказмоқда.

Шу давргада 330 та маҳалладаги 224,3 минг хонадон хатловдан ўтказилди. Хатлов якунлари бўйича ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда маҳаллаларнинг иختисослашуви ва имкониятларидан келиб чиқиб, ҳар бир маҳаллани ривожлантириш бўйича “Йўл хариталар”и ишлаб чиқилади.

Масъуллар ва сектор раҳбарларининг ҳар ойда халқ депутатлари вилоят кенгаши олдига ҳисоботи эшитиб борилади ва улар фаолияти танқидий-таҳлилий муҳокама қилинади. Шунингдек, жамоатчилик қузатувини олиб бориш ва дастур ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида ОАВ ва жамоатчилик ташкилотлари жалб этилади.

Туман ва шаҳар дастурларини маҳаллалар кесимида ишлаб чиқиб, ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчиларининг вазифалари аниқ белгилаб берилади.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз кунчи кеча ўтказган йиғилишида келгуси йилларда бажариладиган ишларимизни батафсил тушунириб берди. Эндиги вазифамиз ана шу йўлдан оғишмай, бор куч-ғайратимиз ва шижоатимизни халқ манфаати учун сафарбар этиш.

Русланбек ДАВЛЕТОВ, адлия вазири:

— Ўзбекистон халқи янги тараққиёт даврига қадам қўйди. Бу ҳақда давлатимиз раҳбари кеча ўтказган видеоселектор йиғилишида барча масъул ташкилот ва идоралар раҳбарларига атрофлича тушунча берди. Хусусан, бу йиғилишда давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Ҳозирги кунда мамлакатимиз ҳаётида гоят муҳим давр бошланмоқда.

Бу — янги тараққиёт ва миллий юксалиш давридир. 35 миллиондан иборат кўпмиллатли халқимиз дунёдаги ривожланган давлатларга хос ҳаёт даражасига эришиш, адолатли, эркин ва обод жамият қуришдек улғувор мақсадлар билан яшамоқда”.



Таъкидлаш жоизки, жорий йилги давлат дастурининг асоси қонун устуворлиги ва жамиятда адолатни таъминлашга қаратилган. Бугунги кунда жамиятимиз учун зарур янги ғоя ва ислохотлар қўзда тутилган.

Тарихдан яхши маълумки, қайси юртда қонун устувор бўлса, тараққиёт қузелтирган. Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар тағ замирида ҳам ана шу эзгу мақсад мужассам. Натижа эса ҳаммамизнинг кўз олдимизда, дунё ҳамжамияти нигоҳида: Ўзбекистонда барча соҳада катта эврилишлар бўлмоқда, халқимиз ҳаёти яхшиланиб, турмушимиз фаровонлашмоқда.

Жорий йилда Адлия вазирлиги олдидagi устувор вазифалардан бири 8 мақсадни ўз ичига олган 24 та чора-тadbирдан иборат улкан ислохотларни амалга оширишга қаратилган.

Шу мақсадда, аввало, бюрократия, сансоларликка, халқимизни қийнаётган маъмурий муносабатдаги муаммоларни енгиллаштиришга қаратилган учта пакет ҳужжатларни қабул қилдик. Жорий йил тўртинчи пакетини таъйирилаймиз. Бу эса, давлат органлари билан муносабатни енгиллаштириб, бюрократия, коррупция

ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Утган йилда амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида 10 миллионга яқин фуқаро ҳаётига енгиллик кириб келди. Бюрократиянинг олдини олиш билан 150 миллион сўм маблағ тежаб қолинди.

Кейинги йўналишда тadbиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларга янада кенг имкониятлар яратиш қўзда тутилган. Тadbиркорлик кодексини ишга туширишни мақсад қилганмиз. Бундан ташқари, мулк ҳуқуқи дахлсизлиги диққат марказида бўлади. Бу борада янги кафолатлар жорий қилинади. Божлар камайтирилади ва ҳар қандай мулкқи ҳуқуқни бекор қилишни суд орқали амалга ошириш каби жиддий янгиликлар, кафолатлар белгиланяпти.

Биз қонун устуворлиги тизимида ҳар доим адвокатура ўрнини алоҳида айтиб келамиз. Давлат дастурида адвокатура тизимини ривожлантириш, унинг процесуал мақомини кучайтириш, фуқароларни ҳимоя қилишдаги ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Бугун Ўзбекистонда адвокатлар етишмайди. Шу муаммони ҳам тизимли ҳал қилиш мақсадида адвокатура жозибдорлигини ошириш ва адвокатлик касбини оғаллаш механизмини енгиллаштириш борасида ҳам янгиликлар

бўлади. Бунда иш стажига бўлган талабларни юмшатиш, ортиқча қогозбозлик, лицензия бериш тизимини такомиллаштириш каби масалалар ўрин олган.

“Яна бир муҳим жиҳат, давлат дастури ижросини таъминлаш масаласидир. Бу бўйича ўтган йилда ишга тушган янги тизим ўз самарасини берди. Йил охирида таҳлил қилганимизда, олдинги йилларга қараганда бажарилмаган бандлар сони тўрт баробарга камайди. Шунинг учун ҳам бу йилги давлат дастури ижроси нафақат тегишли давлат органлари, балки кенг жамоатчилик, Олий Мажлис палаталари томонидан синчковлик билан назорат қилиб борилади.

Президентимиз таъбири билан айтганда, бу борада позициямиз оддий, шу билан бирга, ўзгармас ва қатъийдир. Яъни, “Жамиятимизда қонун — устувор, хиноятга жазо — муқаррар”, деган принципни оғишмай амалга оширишимиз керак.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН МАХСУС

Ўзбекистон Президентининг янги “Хитой – Марказий Осиё” иқтисодий мулоқотининг қўшма стратегиясини ишлаб чиқиш ташаббуси минтақа ривожига катта ҳисса қўшади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 25 январь куни бўлиб ўтган “Марказий Осиё давлатлари – Хитой” онлайн саммитидаги нутқи хорижий мамлакатларнинг эксперт доиралари ўртасида акс-садо берди. “Дунё” АА айрим халқаро экспертлар томонидан билдирилган баҳо ва шарҳларни эътиборингизга ҳавола этмоқда.

Ум Гү Хо, Ханьян университети ҳузуридаги Осиё–Тинч океани илмий-тадқиқот маркази директори, Шимолий иқтисодий ҳамкорлик қўмитаси аъзоси:

— Жўроғий жойлашувидан келиб чиққан ҳолда, Марказий Осиё минтақаси янги самарали транспорт йўлакларини янада ривожлантириш учун амалга оширилмаган катта салоҳият ва имкониятларга эга.



Ўзбекистон раҳбари “Хитой – Марказий Осиё” янги иқтисодий мулоқоти бўйича қўшма стратегия ишлаб чиқишни таъкидлагани бежиз эмас. Бу Марказий Осиё давлатларидан Хитойга савдо-сотиқни тўсиқсиз таъминлаш ва тайёр маҳсулотлар етказиб бериш ҳажмини ошириш, шунингдек, Хитой технологияларини жалб этган ҳолда, минтақа давлатлари томонидан импорт қилинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштиришнинг умумий маконини шакллантиришни назарда тутди.

Пандемия турли соҳаларда рақамли технологиялардан фаол фойдаланишга ёрдам берди. Бу йўналишда Хитой тўплаган тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Президенти рақамли иқтисодиёт ва савдо-сотиқни ривожлантириш, электрон ҳукумат, блокчейн технологиялари ва сунъий интеллектни жорий этишда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришни таъкид этди.

Ўзбекистон Президентининг нутқида эътиборини тортган яна бир жиҳат озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи бўлди. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ ҳўжалигининг барқарор ривожланишини рағбатлантириш ва ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш бугунги кунда янада долзарб бўлиб қолаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Марказий Осиё давлатлари хавфли қишлоқ ҳўжалиги зонасида жойлашган. COVID-19нинг иқтисодий оқибатлари озиқ-овқат секторидидаги мураккаб вазиятни янада кучайтирди. Шу нуктаи назардан, Ўзбекистон томонининг БМТ Бош Ассамблеясининг пандемияда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича алоҳида резолюциясини қабул қилишни биргаликда бошлаш тақдирини ҳақ қўшади.

Энг муҳими, Ўзбекистон Президенти онлайн саммит иштирокчилари эътиборини яна бир бор минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустақамлаш масаласига қаратди. Марказий Осиё минтақаси хавфсизлиги жаҳон хавфсизлигининг муҳим омилдир.

Ўзбекистоннинг ташаббусларини амалга ошириш Марказий Осиё мамлакатлари ва Хитой ўртасидаги ҳамкорликнинг янги ва истиқболли йўналишларини очиб беришига ишончим комил.

Аҳмад ТАРАБИК, мисрлик сиёсатшунос, Марказий Осиё бўйича эксперт:

— Маълумки, Марказий Осиё билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик 30 йилдан буюн барча соҳаларда жадал ривожланиб келмоқда.

Ушбу давлатлар раҳбарларининг онлайн саммити икки томонлама сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик ривожига янги суръат бағишлайди.

Коронавирус пандемиясига қарама-масдан, томонлар савдо, сармоя, инновация, соғлиқни сақлаш, таълим ва маданий алмашинув соҳаларида ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга оширишга тайёр эканликларини тасдиқладилар.

Ўз навбатида, Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, ўтган 30 йил мобайнида Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳар томонлама стратегик



муносабатлар жадал ва барқарор тус олди. Ўзбекистон раҳбарининг “Хитой — Марказий Осиё” янги иқтисодий мулоқоти бўйича қўшма стратегияни ишлаб чиқиш тақдирини тўсиқсиз савдо-сотиқни таъминлаш, саноат кооперациясининг умумий маконини шакллантириш, узлуксиз юк оқими ва трансминтақавий логистика тармоқларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Станислав ПРИТЧИН, Россия Фанлар академиясининг Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро алоқалар миллий илмий-тадқиқот институти Собиқ совет давлатлари тадқиқотлари марказининг катта илмий ходими:



— Президент Шавкат Мирзиёев “Марказий Осиё давлатлари — Хитой” онлайн саммитидаги нутқида Хитой билан муносабатларни ривожлантириш борасида республика учун муҳим бўлган қатор масалаларни баён этди.

Аввало, Ўзбекистон раҳбари Пекин билан алоқаларнинг республика ва умуман, Марказий Осиё минтақаси учун стратегик аҳамиятини белгилаб берди. Ҳозирги шароитда Хитойга товарлар экспорт қилишдаги мавжуд қийинчиликлар ва чекловлар ҳақида ҳам сўз юритилди. Расмий Тошкент ўз иқтисодиётини ривожлантириш доирасида барча савдо шериклари билан ҳамкорликнинг прагматик ва ўзаро манфаатли форматини топишга ҳаракат қилмоқда. Хитой нафақат Ўзбекистон, балки минтақанинг барча давлатлари учун Хитой бозорининг имкониятлари ва истиқболларини ҳисобга олган ҳолда ёндашмоқда.

Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида узоқ муддатли савдо муносабатларининг калитига айланадиган ишончли ва диверсификацияланган транспорт инфратузилмасини яратиш бўйича биргаликда ишлашни давом эттиришни таъкид қилди.

Модернизация қилишнинг муҳим воситаси сифатида рақамли ҳамкорликни ривожлантириш расмий Тошкент томонидан билдирилган тақдирларнинг энг муҳим қисми бўлди.

Наргиза МУРАТАЛИЕВА, Қирғизистон–Россия славян университети сиёсий фанлар кафедрасининг доценти, сиёсий фанлар номзоди:



— Марказий Осиё ва Хитой давлат раҳбарларининг дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 30 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган онлайн саммитида Қирғизистон ва Ўзбекистон Президентлари томонидан тилга олинган Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон темир йўли лойиҳасини жадаллаштириш тақдирлари муҳим ташаббуслардан бири бўлди, деб ўйлайман.

Қирғизистонда “Бир макон — бир йўл” қўп томонлама инфратузилма лойиҳалари ҳали ҳам мавжуд эмас. Аммо бундай лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳар учала мамлакат манфаатларига тўлиқ жавоб беради. Ушбу темир йўлни қуриш лойиҳасини амалий жиҳатдан рўёбга чиқаришга жорий йилдаёқ киришиш муҳимлигини қўллаб-қувватлайман.

Бундан ташқари, энергетика инқирози шароитида Шавкат Мирзиёевнинг муқобил энергия соҳасида Хитой инвестициялари ва технологияларини жалб этиш бўйича ҳамкорлик “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш тақдирини ўз вақтида билдирилди, деб ҳисоблайман. Минтақадаги барча мамлакатлар бундан манфаатдор бўлади.

Хитой ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган 30 йил давомида минтақавий моҳият касб этадиган ҳеч қандай концепция ишлаб чиқилмаган. Шу боис, Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёевнинг “Хитой – Марказий Осиё” янги иқтисодий мулоқоти бўйича қўшма стратегияни ишлаб чиқиш ташаббуси бу бўшлиқни тўлдирishi мумкин.

Виктор КИМ, Тожикистон Миллий Фанлар академияси Осиё ва Европа мамлакатлари институти катта илмий ходими:



— Бўлиб ўтган саммит яхлит минтақа сифатида Марказий Осиё ривожланишининг янги даврини бошлаб беради. ХХР Раиси Си Цзиньпин ташаббуси билан “5+1” шаклида ташкил этилган мазкур саммит минтақа салоҳиятини мустақамлаш бўйича томонлар муштарак манфаатдорликка эга эканлигини намоён этди. Саммит ақуларни бўйича қабул қилинган қўшма баёнот амалий тажрибани умумлаштирди ва келажақ учун ўзаро ҳамкорликнинг истиқболларини белгилаб берди. Ушбу муҳим сиёсий ҳужжат томонлар ўртасида муаммолари ва ҳал этилмаган масалалар мавжуд маслиҳатини ҳамда тенглик, дўстлик ва мустақиллик, суверенитет ҳамда худудий яхлитлиқни ҳимоя қилиш бўйича ўзаро қўллаб-қувватлаш асосидаги стратегик шерикликни қуриш мақсад қилинганини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг нутқида мавжуд савдо-иқтисодий муносабатларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича тақдирлар тилга олинди. Шу нуктаи назардан, “Хитой — Марказий Осиё” янги иқтисодий мулоқоти қўшма стратегияси ўзаро муносабатлар ўсувчанлиги янги туртки берадиган муҳим кадам бўлиб қолиши мумкин.

Айдин АСКАРОВ, Латвия Марказий Осиё ва Яқин Шарқ сиёсий тадқиқотлари халқаро институтининг президенти:



— Хитой ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 30 йиллиги барча томонлар учун муҳим сана ҳисобланади. Мазкур саммит минтақада иқтисодий ривожланиш ва барқарорликни сақлаш нуктаи назаридан муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

Марказий Осиё минтақаси ўзининг жўроғий жойлашувидан келиб чиққан ҳолда, янги самарали транспорт йўлакларини янада

ривожлантириш учун ҳали ҳаётга таъкид этилмаган катта салоҳият ва имкониятларга эга.

Анхуманда Ўзбекистон етакчиси онлайн саммит иштирокчилари эътиборини яна бир бор минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустақамлаш масаласига қаратди. Марказий Осиё минтақаси хавфсизлиги жаҳон хавфсизлигининг муҳим омилдир.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорликка келсак, ўтган йиллар мобайнида ушбу икки давлат ўртасидаги стратегик муносабатлар ўсувчан ва барқарорлик моҳиятини касб этди. Ўзаро яқин ва изчил алоқалар ҳурмат ҳамда дўстлик тамоилларига асосланган.

Деярли барча соҳаларда салмоқли натижаларга эришилди. Пандемияга қарши курашиш бўйича мувофиқлаштирилган ишлар амалга оширилди, жуда қисқа вақт ичида коронавирусга қарши Ўзбекистон — Хитой қўшма вакцинасини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ушбу саммитда Ўзбекистон раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббусларнинг ҳаётга таъкид этилиши Марказий Осиё ва Хитой давлатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг янги ва истиқболли йўналишларини очиб беради.

“Дунё” АА

КУН МАВЗУСИ

ЎЗБЕКИСТОН КЎП ТОМОНЛАМА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ТАРАФДОРИ

Бахтиёр МУСТАФОЕВ, Марказий Осиё халқаро институти директори ўринбосари

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 25 январь куни дипломатик муносабатларни ўрнатилганининг 30 йиллигига бағишланган Марказий Осиё ва Хитой давлат раҳбарлари саммитида иштирок этди. Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг ушбу йўналишдаги иштирокнинг бир қатор муҳим жиҳатлари мавжуд.

Бу, энг аввало, Президентимизнинг “Марказий Осиё ва Хитой” формати фаолиятига нисбатан юқори даражадаги эътиборидир. Давлатимиз раҳбарининг тадбирдаги иштироки, шубҳасиз, унинг мазмунан бойиши ва сифат жиҳатидан янги босқичга чиқишига туртки бўлади.

Иккинчидан, Ўзбекистон яна бир бор Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналиши эканини тасдиқлади. Бугун Ўзбекистон минтақа давлатлари билан нафақат икки томонлама, балки қўп-томонлама форматларда ҳам ўзаро манфаатларни инобатга олган ҳолда ҳамкорлик қилишни қўллаб-қувватлайди.

Учинчидан, Ўзбекистон масъулиятли ва ишончли ҳамкор эканини яна бир қара намоён қилди. Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистоннинг стратегик ҳамкори

ҳисобланади. Ўзбекистон мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб Хитой билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли ва дўстона муносабатларга эга. Ушбу ҳамкорликнинг ижобий натижаси сифатида Ўзбекистон ва Хитой савдо айланмасининг 1991 йилдан 140 мартага ўсиб, 2021 йил якуни бўйича 7,4 миллиард долларни ташкил этганини айтиш мумкин. Қолаверса, Ўзбекистон Хитой билан БМТ, ШХТ ва бошқа қўп томонлама тузилмаларда ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб келади.

Тўртинчидан, Президентимиз билдирган ташаббуслар ҳозирги вақтда дунёда ва минтақамизда рўй бераётган долзарб муаммоларни қамраб олгани ва уларнинг ечимига қаратилгани билан аҳамиятли. Шу нуктаи назардан, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган 10 дан ортиқ ташаббус ҳамда тақдир Марказий Осиё



мамлакатлари ва Хитой Халқ Республикасининг манфаатларига тўлиқ жавоб беради.

Хусусан, давлатимиз раҳбари Марказий Осиё ва Хитой ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш мақсадида “Марказий Осиё ва Хитой” формати доирасида янги иқтисодий мулоқот стратегиясини ишлаб чиқиш тақдирини қилди. Бу ташаббус замирида

Хитой билан савдо-иқтисодий муносабатларни минтақа давлатларининг манфаатларини таъминлаш ғояси ётади.

“Сир эмаски, Хитой билан савдо муносабатларида ҳеч қайси бир минтақа давлати ижобий сальдога эга эмас. Шу нуктаи назардан, янги стратегия Марказий Осиё давлатларининг Хитойга тайёр маҳсулотлар экспортини ошириш, саноат кооперацияларининг умумий маконини яратиш ва учинчи давлатлардан импорт қилинаётган маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштиришга қаратилади.

Хитой 2013 йилдан ҳозирги вақтга қадар дунёда “Бир макон — бир йўл”

улашининг 10 фоизга ошиши ялпи ички маҳсулотнинг 1 фоиз ошишини таъминлайди. Яъни, рақамлаштириш иқтисодий ўсиш, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Президентимиз “Марказий Осиё давлатлари — Хитой” саммитида нафақат минтақа, балки халқаро хавфсизлиқни таъминлашда муҳим бўлган Афғонистондаги вазиятга алоҳида тўхталиб ўтди. Жумладан, Афғонистондаги вазиятнинг барқарорлашуви ва ушбу мамлакатда гуманитар инқироз кучайишининг олдини олиш Ўзбекистон олдида турган устувор масала эканлигини алоҳида таъкидлади. Қўшни давлатдаги вазиятни барқарорлаштиришда минтақа давлатлари ва Хитой саъй-ҳаракатларини бирлаштириш фояда муҳимлигига эътибор қаратди. Бу борада Ўзбекистон Хитой билан ҳамкорликда Афғонистонда инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишга тайёр экани айтилди.

Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши Хитой учун геостратегик аҳамиятга эга бўлиб, нафақат хавфсизлик, иқтисод масалалари, балки транспорт соҳасида ҳам кенг имкониятлар очилишига сабаб бўлади. Хусусан, “Бир макон — бир йўл” ташаббуси доирасида қуруқликдаги 3 та транспорт йўналишидан иккитаси айнан Афғонистон ҳудудидан ўтади. Бу эса, ўз навбатида, афғон заминидан тинчлик ва барқарорликни таъминлашни Хитой учун ўта долзарб масалага айлантиради.



ЎЗБЕКИСТОН ВА ҲИНДИСТОН: ЯҚИН ДЎСТЛИК ВА МУСТАҲКАМ ШЕРИКЛИК

**Дилшод АХАТОВ,
Ўзбекистоннинг
Ҳиндистондаги Фавқуллода
ва мухтор элчиси**

Бошланиши 1-бетда

2020 йил декабрь ойида Ўзбекистон Президенти ва Ҳиндистон Бош вазири ўртасида бўлиб ўтган виртуал саммит ўзаро алоқалар ривожига муҳим босқич бўлди. Саммит якунида томонлар яқин дўстлик ва мустаҳкам шериклик тўғрисидаги Қўшма баёнот қабул қилди. Саммит доирасида, шунингдек, турли устувор йўналишлардаги ҳамкорликка оид 9 та ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди аънавий равишда халқро ва минтақавий тадбирлар доирасида ўзаро сермазмун мулоқот олиб боради.

Бугунги кунда Тошкент ва Деҳли ўртасида шаклланган фаол минтақавий ва халқро ҳамкорлик сиёсий мулоқот ва амалий алоқаларнинг муҳим қисмига айланди.

Хусусан, Ўзбекистон томони Ҳиндистоннинг БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси мақомини олиш бўйича номзодини қўллаб-қувватламоқда. Шу нуқтаи назардан, халқро ҳам-жамият хавфсизлиги, фаровонлиги ва барқарор ривожланишига бевосита таъсир кўрсатувчи терроризм ва экстремизм, наркотикларнинг ноқонуний айланиши, бошқа трансчегаравий таҳдид ва ҳуруқларга қарши курашишда томонлар қатъий позицияни эгаллаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон томони Ҳиндистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлишини фаол қўллаб-қувватлади, бу ташкилот доирасидаги ҳамкорлик икки томонлама сиёсий мулоқотнинг муҳим қисмига айланди.

Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Субрахманям Жайшанкар бошчилигидаги делегация 2021 йил 15-16 июль кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзусидаги халқро конференцияда иштирок этди. Мазкур конференциянинг якунлари нафақат икки давлат, балки минтақалараро сиёсий мулоқот, иқтисодий ҳамкорлик ва халқлар ўртасидаги алоқаларни чуқурлаштириш учун улкан имкониятлар мавжуд эканини яна бир намоиши этди.

Икки давлат раҳбарлари ташаббуси билан 2019 йил январь ойида Самарқандда ташқи ишлар вазирилари даражасида ташкил этилган "Ҳиндистон — Марказий Осиё" мулоқоти муҳим воқеа бўлди. 2020 йил февраль ойида Деҳли шаҳрида "Ҳиндистон — Марказий Осиё" бизнес кенгашининг ташкил этилгани мазкур форматдаги ҳамкорлигининг амалий натижаларга йўналтирилганини ифодалади. 2021 йил 19 декабрь кунини Деҳли шаҳрида мулоқотнинг навбатдаги 3-йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда Марказий Осиё давлатлари ва Ҳиндистон ташқи ишлар вазирилари сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, транспорт-коммуникация, туризм, маданий-гуманитар, экология ва бошқа соҳалардаги муносабатларни янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалаларини муҳокама қилди. "Ҳиндистон — Марказий Осиё" вазирлар мулоқотининг ташкил этилиши Ҳиндистоннинг минтақа давлатлари билан муносабатларида янги қадам бўлди.

Дунёда коронавирус пандемияси билан боғлиқ қўзага келган ҳозирги мураккаб шароитда ҳам ўзаро муносабатлар янада мустаҳкамланиб, уларнинг самардорлиги ошгани кузатишмоқда.

2020 йилда пандемия билан боғлиқ чекловлар жорий этилган, ўзбекистон ва Ҳиндистон ўз фуқароларини ўзаро эвакуация қилишда яқиндан ҳамкорлик қилди. Оғир ва синовли даврларда Ўзбекистон ҳам, Ҳиндистон ҳам ўта муҳим ва зарур фармацевтика маҳсулотлари ва табибий асбоб-ускуналардан ташкил топган инсонпарварлик юқлари орқали бир-бирига дўстона ёрдам қўлини чўзди.

Давлат раҳбарларининг мунтазам мулоқотига ҳукуматлар, парламентлар ва вазирликлар даражасидаги фаол алоқалар ҳам муҳим ҳисса қўшмоқда. 2020 йилда Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматларро комиссиянинг 12-мажлиси ҳамда Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувларнинг 14-давриси муваффақиятли ўтди.

Утган йил давомида мудофаа ва хавфсизлик соҳасида ҳам бир неча юқори даражадаги аламинувлар ташкил этилди. 2021 йил ноябрь ойида Ўзбекистон ва Ҳиндистон Миллий хавфсизлик кенгашлари маслаҳатлашувларининг иккинчи давраиси бўлиб ўтди. 2019 йил октябрь ойида Ҳиндистон Миллий хавфсизлик маслаҳатчиси ўринбосари маслаҳатлашувларнинг биринчи давраисини ўтказиш учун Тошкентга ташриф буюрган эди.



Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатлари тарихида илк бор 2019 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистонда қўшма ҳарбий-ўқув машғулотлари ташкил этилди. Ўз навбатида, машғулотларнинг навбатдаги давраиси — "Дўстлик-2" 2021 йил март ойида Ҳиндистоннинг Уттаракханд штатида бўлиб ўтди.

Юқорида қайд этилган ва бўлажак икки томонлама тадбирлар ҳар икки томоннинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини янада ривожлантиришга жиддий интилаётганини яққол кўрсатиб турибди.

Бугунги кунда икки мамлакат ўртасида мумкин қадар қўлай савдо режими амал қилмоқда. Давлатлараро йиллик товар айирбошлаш ҳажми 440 миллион АҚШ долларидан ошди. Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида савдо ва сармоявий соҳаларда ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш борасида фойдаланилмаган улкан салоҳият мавжуд. Шу боис, икки давлат раҳбарлари томонидан яқин йиллар ичида ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг камида 1 миллиард АҚШ долларига етказиш вазифаси белгиланган.

Сўнги йилларда Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашганига гувоҳ бўлмоқдамиз. 2018 йилда Тошкент шаҳрида Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон — Ҳиндистон маркази, Ҳиндистон саноат конфедерацияси билан ҳамкорликда Ўзбекистон — Ҳиндистон ишбилармонлар кенгаши ташкил этилган ва бу икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасида фаол савдо ҳамда сармоя алмашинувини таъминлашга қаратилган эди. 2019 йилда тузилган Икки томонлама лойиҳаларни амалга оширишни мубофиқлаштириш ва рағбатлантириш бўйича Ўзбекистон — Ҳиндистон қўмитаси ҳамкорлигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтиришни кўзда tutади.

Ҳиндистонлик инвесторларнинг Ўзбекистонга қизиқиши ортиб бормоқда. Хусусан, ахборот технологиялари, фармацевтика, соғлиқни сақлаш, меҳмонхона, автомобиль бутловчи қисмлари ишлаб чиқариш, олий таълимнинг турли йўналишларида қўшма дастурларни амалга ошириш каби қўллаб соҳаларда мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Айни пайтда Ўзбекистонда Ҳиндистон капиталли ишторикларида 330 га яқин корхона, жумладан, 100 фоизлик Ҳиндистон капиталли билан 220 корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати Ҳиндистон компанияларини қимё саноати, дори-дармон, тўқимачилик, чарм саноати, ахборот технологиялари, телекоммуникация ва бошқа муҳим соҳаларга сармоя киритишга қўллаб-қувватлаш учун муносиб шароитлар яратиб бераётди. Ўзбекистоннинг эркин иқтисодий зоналарида, жумладан, фармацевтика ЭИЗларида ҳинд компаниялари билан қўшма лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, томонлар инвестиция соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлидаги истиқболли ҳужжат — Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битим устида иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон — Ҳиндистон алоқалари ривожининг яна бир ижобий жиҳати — ҳудудлар ўртасида тўғридан-тўғри шериклик муносабатлари йўлга қўйилганлигидир. Бу борада Андижон вилояти билан Гуҷарат штати ўртасидаги ҳамкорлик тажрибаси ўзининг афзалликларини кўрсатди. Эътиборлики, Андижон вилоятида қисқа вақт ичида Ҳиндистон компаниялари билан ҳамкорликда қатор қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда томонлар Фарғона ва Хариъна ўртасида ҳам худди шундай ҳамкорлик механизминини йўлга қўйиш бўйича иш олиб борапти.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ҳудудлари ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорлигининг йўлга қўйилиши, ўз навбатида, савдо ва сармоявий алоқаларни янада ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшади.

Жамият

yuz.uznews



Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик қўламини кенгайтиришда транспорт-логистика йўналиши муҳим ўрин тутди. Бу борада ўзаро савдо ва инвестициялар ҳажминини сезиларли даражада оширишни таъминлаш учун икки мамлакат, шунингдек, Марказий ва Жанубий Осиё минтақаларининг транспорт ва бошқа инфраструктура алоқаларини тўқдан яхшилаш зарур.

Ушбу нуқтаи назардан, Ўзбекистон ҳукумати Ҳиндистоннинг Ашхобод келишувига (Ўзбекистон — Туркменистон — Эрон — Умон транспорт йўлаги) қўшилишини қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари ҳам Ҳиндистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан савдоси учун асосий транзит марказига айланиши қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари портини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. Таъкидлаш лозим, ҳозирга қадар Ўзбекистон, Ҳиндистон ва Эрон ўртасида Чабхор портидан ҳамкорликда фойдаланиш бўйича ташкил этилган уч томонлама ишчи гуруҳининг иккинчи давраиси бўлиб ўтди.

Фуқаролик авиацияси ва ҳаво коридорлари орқали юк ташинишда ҳамкорлик қилиш учун ҳам катта салоҳият мавжуд. Ҳиндистон томони Марказий Осиё мамлакатларига мевасазба-вот, озиқ-овқат ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ташиниш учун ҳаво йўлакларини очишга қизиқиш билдирган.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон маданият, таълим, фан, инновациялар ва илғор технологиялар, соғлиқни сақлаш ва бошқа қўллаб-қувватлашда ҳамкорликни янада ривожлантириш учун улкан салоҳиятга эга. Бу соҳаларда ҳам қатор ўзгаришлар ва амалий ютуқлар мавжуд.

Айни вақтда Ўзбекистон олий таълим муассасалари Ҳиндистоннинг 10 дан ортиқ университетини, илмий-тадқиқот муассасаси ва маркази билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Хусусан, илм-фан соҳасида ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон Фанлар академиясининг қатор илмий-тадқиқот муассасалари Деҳли, Мумбаи ва Пуна шаҳарларидаги академик марказлар билан алоқаларни йўлга қўйган ва қўшма илмий лойиҳаларни амалга оширмоқда. Деҳлидаги Жомия Миллия Исламия ва Жавахарлал Неру университетларида ўзбек тили курслари йўлга қўйилган.

2019 йилда Ҳиндистоннинг Амита ва Шарда университетларининг филиаллари Тошкент ва Андижон шаҳарларида ўз фаолиятини бошлади. 2021 йил декабрь ойида эса Жиззах вилоятида Самбхрам технология институтининг янги кампуси очилди. Ҳозирда Ҳиндистоннинг бошқа қатор етакчи университетлари ҳам Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ўз филиалларини ташкил этиш устида иш олиб бормоқда.

Шу билан бирга, Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат табибӣ институтини Ноида шаҳридаги Ҳиндистон халқро университетидида ўз филиалини очганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Маданий алоқалар икки томонлама муносабатларимизнинг муҳим устунларидан бири ҳисобланади. Пойтахтимизда фаолият олиб бораётган Ҳинд маданият маркази ташкил этилганига яқинда 25 йил тўлди.

Ўзбекистон 2020 йил февраль ойида Фаридобод шаҳрида бўлиб ўтган дунёдаги энг йirik Халқро Суражкунд хунармандчилик фестивалида ҳамкор давлат сифатида иштирок этди.

2021 йил март ойида Ҳиндистон Маданий алоқалар кенгаши президенти Винай Саҳасрабхуедининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида маданият соҳасида ҳамкорлигини кенгайтиришнинг кенг имкониятлари муҳокама қилинди. Бундан ташқари, Ҳиндистон ташқи ишлар ва маданият ишлари давлат вазири Минакши Лехининг 2021 йил сентябрь ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида 2021–2025 йилларга мўлжалланган Маданий алмашинув дастури имзоланди.

Шунингдек, 2021 йил октябрь ойида бўлиб ўтган Тошкент халқро кинофестивалида Ҳиндистоннинг 50 дан ортиқ таниқли кино усталари иштирок этди. Қорақалпоғистоннинг "Айқулаш" фольклор гуруҳи 2021 йил октябрь ойида Ҳиндистоннинг Чхаттисгарх шаҳрида бўлиб ўтган "Миллий қабила рақслари фестивали"да қатнашди.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги туризм соҳасидаги ҳамкорлик пандемия давридан сўнг янги натижаларга эришиш мумкин бўлган устувор йўналишлардандир. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабзнинг улғувор меъморий ёдгорликлари ЮНЕСКО маданий мероси рўйхатида киритилгани, Ўзбекистоннинг гузал табиати ва иқлими, шунингдек, ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ҳинд сайёҳларини доимо ўзига жалб қилиб келган.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари кўп асрлик дўстлик, ишонч ва ўзаро ҳамжиҳатлик каби мустаҳкам пойдеворга асосланган бўлиб, шубҳасиз, келажақда ҳам улкан салоҳият ва юксак имкониятларга эгадир.

yuz_official

НУҚТАИ НАЗАР

**Хайрулла САТТОРОВ,
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи раисининг
биринчи ўринбосари,
"YOSHLAR — KELAJAGIMIZ" жамғармаси
ижрочи директори**

Ҳар бир давлатнинг барқарор тараққиётини таъминлашда асосий пойдевор ёшлар ва уларнинг интеллектуал салоҳияти ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимиз аҳолисининг катта қисми замонавий билим ва кўникмаларга эга ёшлардан иборат эканини инобатга олган ҳолда, мазкур катламнинг ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги манфаатини ҳимоя қилиш ҳамда кузатилаётган долзарб масалаларнинг назарий ва амалий жиҳатдан ечимини топиш кун тартибидagi муҳим вазифадир.



МАҲАЛЛАДАГИ ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ ҲУДУДЛАРДАГИ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРНИНГ МУАММОСИНИ ҲАЛ ЭТИШДА КЎПРИК ВАЗИФАСИНИ ЎТАЙДИ

Ёш авлод келажаги эса ҳаммиса Ўзбекистон сиёсатининг марказида бўлган. Бугун ҳам юртимизда юзгага келган муаммоларни бартараф этиш, ёшларнинг камолоти ва тарбиясига ижобий таъсир қилувчи шарт-шароит яратиш учун барча соҳада кенг қўламли ислохотлар жадаллик билан олиб борилмоқда.

Ўзбекистон — ҳақиқий маънода ёшлар мамлакатидир. Бу юрда улғаяётган йигит-қизларнинг оғзулари ва ўз олдига қўйган мақсадлари бисёр. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва қўллаб-қувватлови эса уларга бу мақсадларни амалга оширишда кўмак беради. Президентимизнинг "Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учтинчи Реңессанс пойдеворини барпо этишдек улғу мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улғубеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим", деган сўзлари ёшлар учун катта марралар сари йўл очди.

Утган даврда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Улар асосида ёшларнинг

“Ёшлар етакчиси таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этишда турли муассасалар ҳамда ёшлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, уларнинг турли жараёнларга мослашувига кўмаклашди. Йигит-қизларга услубий, ижтимоий ва психологик ёрдам кўрсатган ҳолда Ватанга муҳаббат ҳиссини оширади. Шу билан бирга, ёшларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш бўйича мунтазам таҳлил қилиб боради ва иш сифатини оширади. Шунингдек, уларнинг ижтимоий аҳволидан доимий хабардор бўлиб туради.

интилиш ва иқтидорини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришга оид раҳбар кадрларнинг бошқарув салоҳиятини юксалтириш бўйича мустаҳкам тизим яратилди. Ушбу саъй-ҳаракатлар давоми сифатида Президентимизнинг "Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тўқдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

Қарорга мувофиқ, ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳар ва шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий этилиши белгиланди.

Ёшлар тўғрисидаги зарур маълумотларни "Ёшлар дафтари" ва "Ёшлар портали" электрон платформаларига киритиб бориш, улар билан самарали ишлаш, ёшларнинг бўш вақтини маъмул ташкил этиш, ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтидори, истеъдоди ва ташаббусини рағбатлантириш ҳамда ҳаётда ўз ўрнини топишга кўмаклашиш етакчиларнинг асосий вазифаси сифатида қайд этилди. Навқирон авлодини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг интеллектуал жиҳатдан камол топиши ва маънавий ривожланишини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар билан тизимли ишлаш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, етакчиларнинг ўзига бириктирилган маҳаллаларда мақом, баҳишчилик ва эстрада бўйича танловлар, "Камалак юлдузлари" болалар ижодиёти фестивали, саломатлик учун 5 000 қадам юриш марафони ҳамда "Ёш эколог" акциясини ўтказиш, шу билан бирга, минн футбол, волейбол, баскетбол, стол теннис, велоспорт, югуриш, шахмат, шашка, бадминтон, камондан отиш бўйича мусобақаларини ташкил этиши зарурийлиги таъкидланди.

Лавозимга номзодлар эса туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари бошчилигидаги танлов комиссияларини шакллантириш орқали очик танлов асосида ишга қабул қилиниши, етакчи лавозимига ишга қабул қилинган шахсларнинг ҳарбий ва махсус унвонлари сақлаб қоллиниши қайд этилди.

ЮНИСЕФ, Ёшлар иттифоқи ҳамда "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати томонидан ўтказилган ва "Ўзбекистон ёшлари: муаммо ва истиқболлар" деб номланган йирик тадқиқот натижалари асосида тайёрланган ҳисоботда Ўзбекистон 15-20 йилдан сўнг ноёб демографик дивидендни қўлга киритиши таъкидлаб ўтилган.

2048 йилга бориб мамлакатда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони тарихий юқори даражада етиши кўтилмоқда. Табиийки, уларнинг салмоқли қисmini ёшлар ташкил қилади. Ҳозир давлат олдидagi асосий вазифа демографик дивидендни қўлдан бой бермаслик ҳамда ундan максимал фойдаланишдан иборат. Бошқача айтганда, ҳукумат инсон капиталига, яъни ёшларнинг сифатли таълими олиши ва интеллектуал

салоҳиятини рўёбга чиқаришга катта ҳажмда инвестиция киритиши зарур. Бу келажақда нафақат иқтисодий юксалтириш, балки ижтимоий вазиятни барқарорлаштириш — камбағаллик ва салоҳиятли кадрлар миграциясини қисқартириш, ишсизлигини бартараф этиш, халқнинг турмуш даражасини ошириш имконини беради.

Маълумотларга кўра, ўқишни битиргач, уйда ўтириб қолаётган ёшлар орасида аёллар салмоғи анча юқори — 51 фоиз. 18 ёшдан кейин мазкур кўрсаткич янада ортиб, 74 фоизга етмоқда. Бунинг сабаби қизлар оила юмушлари билан машғуллиги ҳамда даромад топиш учун бошқа жойга кўчиб ўтиш имконияти чеклангани билан изоҳланади. Қишлоқ ёшлари шаҳарликларга қараганда олий таълим муассасаларига камроқ ўқишга қиради. Шу боис, уларда тадбиркорликка қизиқиш юқори. Мамлакатимизда стартап лойиҳаларга қишлоқ ёшлари қўл урмоқда. Аёллар, асосан, соғлиқни сақлаш, таълим ва қайта ишлаш саноатида банд. Эркалар орасида нисбатан оммалашган касблар қурувчилик ва фермерлик ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ёшлар билан мулоқот фақат идораларда ёки мактабларда бўлмайди. Мулоқотни узвий равишда йўлга қўйиш учун,



биринчи навбатда, ёшлар ичига қучоқ очиб кириб бориш талаб этилади. Айнан мана шундай шароитда ёшлар етакчисига зарурат сезилади.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги маълумотларига қараганда, 2021 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, юртимиз бўйича маҳалла фуқаролар йиғинлари сони 9255 тани ташкил этмоқда. Шундан 41 таси шаҳарча, 81 таси қишлоқ, 164 таси овул, 8969 таси маҳалла фуқаролар йиғини ҳисобланади.

Энди тасаввур қилинг, ушбу маҳаллаларнинг ҳар бирида етакчиларнинг бўлиши мавжуд вазиятни қанчалик енгилаштиради? Ўйлашимизча, улар ҳукумат ва ёшлар орасидаги масофани янада яқинлаштиради, ўғил-қизлар билан ишлашнинг янги асосларини ишлаб чиққан ҳолда жамият ривожини учун улкан ҳисса қўшади.

Ёшлар етакчиси таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этишда турли муассасалар ҳамда ёшлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, уларнинг турли жараёнларга мослашувига кўмаклашди. Йигит-қизларга услубий, ижтимоий ва психологик ёрдам кўрсатган ҳолда Ватанга муҳаббат ҳиссини оширади. Шу билан бирга, ёшларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш бўйича мунтазам таҳлил қилиб боради ва иш сифатини оширади. Шунингдек, уларнинг ижтимоий аҳволидан доимий хабардор бўлиб туради.

Ёшлар етакчиси, ўз навбатида, давлат билан тенгқурлари ўртасидаги воситачига айланади. У ёшларнинг манфаати ва муаммоларини таҳлил қилади. Уларнинг мавжуд қобилиятидан келиб чиқиб, тўғри мақсад сари йўналтиради. Шунингдек, салоҳиятини ривожлантиришнинг индидуал йўналишини излаб топади.

Зеро, ёшлар етакчиси сифатида фаолият юритувчи кадрлар ёшларнинг таълимига нисбатан қизиқишини аниқлаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқади. Уларнинг ташаббусини амалга оширишга ёрдам беради. Ёшларнинг ўқиши ва таълимдаги ютуқларини лойиҳалаштириш, таҳлил қилиш ва тақдим этишга кўмаклашади. Ёшлар билан уларнинг ютуқ ва қийинчиликларини, турли жойларда ва турли тадбирларда амалга оширилаётган фаолиятнинг қай даражада самарадорлигини, синоҳ ҳаракатларида самарали ишлашга таъсирини таҳлил қилувчи тадбирларни ўтказида.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан ортигини ёшлар ташкил этишини инобатга олсак, юртимизда олиб борилаётган ислохотлар мазмун жиҳатидан бевосита уларга нақадар дахлдор эканини англаймиш. Зеро, ҳар бир жамиятнинг, унда яшайдиган инсонларнинг тақдирини ва келажагини, албатта, давлатнинг етакчи қучи ҳисобланмиш ёшлар тарбияси билан ҳамбарчас боғлиқ.

"Дунё" АА.

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Салоҳиддин ИСОМИДДИНОВ,
журналист

Инсон қадр топса, унда яратувчанлик, изланиш, ўз устида ишлаш ва ҳаётдан розилик кайфияти баланд бўлади. Мамлакатимизда инсонни эъзозлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, қонун устуворлигини таъминлаш борасида улкан ислохотлар амалга оширилмоқда. Беш йил олдин бошланган бу борадаги амалий ишлар самараси бугун халқимизнинг турмуш тарзида, онгу тафаккуридаги ўзгаришларда, ҳаётда намоён бўлаётир. Ҳўш, инсон қачон бахтли яшайди, ҳаётдан рози бўлади? Қачонки, ўз уйига эга бўлса, тайинли иши, доимий даромад манбаи бўлса, оиласи билан тинч-хотиржам яшаса, фарзандлари замонавий мактабларда таълим олса, сифатли тиббий хизматдан фойдаланса, ҳаётий манфаатлари, орзу-умидлари рўёбга чиқиб, чинакам яшаш завқини туйса!



Шу боис, мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар аҳолининг яшаш шaroитини тубдан яхшилаш, ижтимоий муаммоларни адолатли ҳал этиш, айниқса, инсонни эъзозлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилди.

Ҳеч бир ёш эътибордан четда эмас

Кейинги беш йилда мамлакатимизда кенг миқёсдаги ислохотлар амалга оширилдики, уларнинг санаб адоғига етолмайсан киши. Буни биргина ёшларнинг истеъдоди ва ташаббусларини рағбатлантириш, улар билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим яратилгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бу сиёсатнинг замирида эртамик давомчилари бўлган барча ўғил-қизларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратиш, касб-ҳунарга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, илими қилиш, дунёдаги тенгдошлари билан рақобатлаша оладиган авлодни воёга етказиш учун мустақкам пойдевор қўйиш мақсади мумкин.

Эътибор беринг, бундан беш-олти йил аввал ёшларимиз мактабни тамомлагач, олий ўқув юртида ўқишни давом эттириш ўрнига ишлаш, яхши пул топишга қизиқарди. Сабаби, олийгоҳларга ўқишга кириш жуда қийин эди. Квоталар кам, қабул имтиҳонларида турли муаммолар бор эди. Шу боис, ёшлар хорижга кетишга мажбур бўлар, тил билмаслиги туфайли тайинли иш топпайди, не-не қийинчиликларга дуч келарди. Ачинарлики, оғир меҳнат қилиб топган пулини ололмай, сарсон-саргардон юрадиғанлар ҳам кам эмасди.

Бугун-чи? Мамлакатимизда ёшларга бўлган муносабат бутунлай ўзгарди. Ўғил-қизларимиз билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш, уларнинг чет элда ҳуқуқлари поймол бўлишининг олдини олиш, ижтимоий муҳофазасини таъминлаш бўйича мутлақо янги тизим яратилди. Ҳеч бир ёш давлатимизнинг эътибори ва ғамхўрлигидан четда қолаётгани йўқ.

Бу борада хорижга ишлашга кетишдан олдин фуқароларни касб-ҳунарга ва чет тилларига ўқитиш, меҳнат мигрантларини молиявий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаёти ва соғлигини сугурталаш амалиётини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Энг муҳими, бундан буюн ёшларимизнинг хорижга боришига эҳтиёж ҳам қолмапти. Сўнгги йилларда ёшларни билимли, малакали, жаҳон тараққиётига мос мутахассислар этиб тайёрлаш мақсадида таълим тизимини изчил ривожлантирилмоқда. Юртимизда янги корхоналар ишга туширилиши аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш фаровонлигини оширишда муҳим омили

бўлаётир. Бу, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни хорижга иш қидириб кетишдек ташвишли муаммодан қутқаряпти.

Агар юртимизда сўнгги 5 йилда олий таълим муассасалари сони 65 тадан 156 тага етказилмаганида, қабул квотаси 3 баробар оширилмаганида, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, бизнесини бошлаши учун зарур шароитлар яратилмаганида, янги иш ўринлари ташкил этилмаганида бу рўшноликлар қаерда эди, дейсиз.

Ҳўш, Президентимиз бошчилигида амалга оширилаётган бу каби зғуликка йўғрилган амаллар, халқчил сатъ-ҳаракатлар ким учун? Албатта, ҳар бир инсоннинг қаерда яшashi ва ишлашидан қатъи назар, қадр топиши, фаровон яшashi, му-род-мақсадига етиши учун. Инсон қадри шу эмасми, аслида?!

Ислохотлар самараси аҳолининг кундалик ҳаётида ўз аксини топмоқда

Давлатимиз раҳбарининг янги ғоялар билан йўғрилган инсонпарварлик сиёсати асосини халқимизнинг туб манфаатлари ташкил этади ҳамда бу сиёсат бевосита шу манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилган.

Ҳаётта татбиқ этилаётган изчил ислохотлар қуруқ рақамларда эмас, балки аҳолининг кундалик ҳаёти, рўзғорида, дастурхонда ўз аксини топмоқда. Агар юртимизда яшаётган оилалар ҳаётини шу нуқтаи назардан таҳлил қиладиган бўлсак, ўтган даврда қандай салмоқли натижаларга эришганимиз аён бўлади.

Бинобарин, ўтган қисқа даврда мамлакатимизда янгиланишлар нафаси кириб бормаган бирорта соҳа ёки тармоқ, қишлоқ ва маҳалла қолмади ҳисоб. Аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишини, муаммоларини ижобий ҳал этиш бўйича мутлақо янги тизим яратилди. Халқ ичига кириб, муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш тамойили давлат ташкилотлари фаолиятининг асосий мезонига айланди. Бу орқали одамларни узоқ йиллардан буюн қийнаб келаётган муаммоларга ечим топилди. Аҳолининг кайфияти, дунёқараши ва ҳаётта муносабати ўзгариб, уларда эртанги кунга мустақкам ишонч пайдо бўлди.

Яна бир ҳаётий мисол. Илгари мамлакатимизда камбағаллик ёпиқ мавзу бўлиб, бу ҳақда ҳеч ким гапирмасди. Бугунги кунда Ўзбекистонда камбағалликни камайтириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Аҳоли ўртасида камбағаллик борлиги очик тан олинди, бу муаммо билан жиддий шуғулланиш бошланди. Президентимиз раҳбарлигида халқимиз фаровонлиги йўлида жуда катта мақсад ва вазифаларни амалга оширишга киришилди.

Албатта, камбағалликни ойлик ёки нафақа миқдорини ошириш, одамларга

кредит бериш билан қисқартириб бўлмайди. Бунинг учун аҳолини касбга ўқитиш, бандлигини таъминлаш, томорқадан фойдаланишга бўлган муносабатни ўзгариштириш лозим бўлади.

Аслида камбағалликни келтириб чиқарувчи омилардан бири, бу — ишсизлик. Бу борада аҳоли бандлигини таъминлаш камбағалликка барҳам беришнинг энг тўғри ва оқилона йўлидир. Чунки янги иш ўринлари яратилса, минглаб оилаларга даромад, барака киради. Иш жойи тайин, уй ташвиши, муаммоси йўқ одамлар эса дунёни янгилашга, ўзгариштиришга қодир бўлади.

Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда ижтимоий тенгликни мувофиқлаштириш, камбағал, ночор оилалар турмушини яхшилаш мақсадида “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” жорий этилди ва бу тизимнинг жуда содда, самарали усул экани аллақачон исботланди.

Биргина фаол ислохотлар, тадбиркорликни ривожлантириш ва маҳаллабай ишлаш натижасида ўтган йили ҳудудларда 100 мингта янги тадбиркорлик субъекти иш бошлади. Ўзини ўзи банд қилганлар сони 700 мингга қўлайиб, 1,2 миллионга етди. Бу улкан эърилишлар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг халқчил сиёсати билан боғлиқ.

Ўзгаришлардан миннатдор одамлар

Халқимизда “Бойликнинг боши — соғлиқ”, деган нақл бор. Чунки саломатликни ҳар қанча моддий бойлик ва маблағ эвазига сотиб олиб бўлмайди. Тинчлик ва соғлиқ — инсон ҳаёти учун энг керакли неъмат бўлгани туфайли бу икки йўналиш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг муҳим негизлари этиб белгиланган.

Сир эмас, яқин йилларга ҳуртимизда бу борадаги аҳвол талаб даражасида эмасди. Хусусан, чекка-чекка қишлоқларда жойлашган қишлоқ врачлик пунктлари бинолари эскирган, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун етарли шароитлар йўқ эди. Одамлар тиббий хизмат сифати пастлигидан оддий касаллик



ташхиси ёки муолажаси учун узоқ йўл босиб вилоят марказига, ҳатто пойтахтга боришга мажбур эди.

Давлатимиз раҳбари президентлик фаолиятининг дастлабки давридаёқ ислохотларни айнаи шу оғрикли нуқтадан бошлади. Аҳоли соғлигини муҳофаза қилишга давлат сиёсатининг энг муҳим йўналиши сифатида эътибор қаратилди. Самарасиз, моддий-техника базаси но-чор 3 мингдан ортиқ ҚВП ўрнида 2 мингта поликлиника ва оила шифокорлик пункти ташкил этилиб, аҳолига ўз яшаш манзилида тўлиқ бепул амбулатор тиббий хизмат кўрсатилиши йўлга қўйилди.

2016 йилгача юрак соҳасидаги мураккаб операциялар фақат Тошкент шаҳрида амалга оширилган бўлса, айнаи вақтда 12 та ҳудудда рентгенэндоваскуляр бўлимлар фаолияти йўлга қўйилган. 10 та вилоятда очик кардио-жаррохлик амалиёти ўтказилган ва бу ўзгаришларни халқимиз яқдиллик билан қўллаб-қувватламоқда.

Илгари гемодиализ хизматининг пойтахтдагина йўлга қўйилгани қатор муаммоларни келтириб чиқарди. Дори, сарфлов материаллари ҳам етмасди. Бир беморга тўрт соат гемодиализ сеанси олиб борилиши керак бўлса, уни бир соатгача қисқартириб, битта фильтрни битта касал ўзига уч-тўрт марта ишла-тишга мажбур бўлган ҳолатлар ҳам



Президентимизнинг одилона сиёсати юртдошларимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланиб, Ўзбекистон халқаро ҳамжамият томонидан очик ва демократик давлат, дея эътироф этилмоқда. Мухтасар айтганда, ҳар биримиз ислохотлар жараёнига ўз ҳиссамизни қўшишимиз, инсон қадри улуғланган юрт ривожини, тараққиёти учун бор куч ва салоҳиятимизни сафарбар этишимиз лозим. Зотан, инсон ҳақ-ҳуқуқлари, қадр-қиммати ҳар нарсадан устун, кексаю ёши, аёлларини эъзозлайдиган шундай юрт яна қайда бор?!

қузатилган. Бугунги кунда буйраги иш-ламаслиги натижасида аппаратга боғлан- яхши қолган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва тўлақонли яшashi борасида эътиборга муволиқ ишлар бажарилаётир.

Яқинда депутатлар билан биргаликда Академик В. Воҳидов номидagi респуб-лика ихтисослаштирилган хирургия ил-

— Кўп йиллардан буюн ўткир буйрак етишмовчилигидан азият чекиб келаман. Қарийб икки йил гемодиализ олдим. Чунки яқин-яқингача бундай операцияларни чет эл клиникаларидагина амалга ошириш мумкин эди, — дейди Тошкент шаҳрида ашовчи Д. Умаров. — Хориж-даги бундай амалиёт катта маблағ талаб қилгани боис, бунга ҳамманиям қурби етмасди. Эндиликда хорижга боришга ҳо-жат қолмади. Президентимиз ташаббуси билан дунё тиббиётида энг мураккаб ва нозик амалиёт ҳисобланган шундай опе-рациялар ҳам ўзимизда амалга оширил-моқда. Мен ҳам ушбу марказда операция бўлдим. Опам бир буйрагини берди. Ҳо-зи аҳолиимиз анча яхши, шифокорлар ўз вақтида қараяпти. Бунинг учун давла-тимиз раҳбаридан чексиз миннатдормиз.

Халқни рози қилиш — асосий мезон

Орта қолган беш йилда барча соҳа-ларда эришилган ютуқларга назар таш-лар эканмиз, Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилган туб исло-хотларнинг асосий мақсади олий қадрият — инсон манфаатларини тўла рўёбга чи-қаришга қаратилгани аёнлашади.

2022 йилга “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб ном берилиши замирида ҳам чуқур маъно мумкин. Бу янги Ўзбекистон кейинги беш йилда ҳам демократик ислохотлар йўлидан бориб, натижадорлик ва сифатни оширишга кат-та эътибор қаратади, деганидир.

Инсон қадрини улуғлаш — юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлашда маҳалланинг алоҳида ўрни



бор. Зеро, бугун юртимизда яшаётган ҳар бир инсон миллати, тили ва динидан қатъи назар, ўз ҳаётини, қувончу ташвишини ма-ҳалладан айри тасаввур эта олмайди.

Шу жиҳатдан давлатимиз томонидан маҳаллани том маънода ислохотлар мар-казига айлантириш ва одамларнинг муам-моларини маҳалланинг ўзида ҳал этишга қаратилган изчил сиёсат олиб борилиб, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш ва-зирлиги ташкил этилди. Фуқаролар йиғин-лари раисларининг ҳуқуқ-тартибот, оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий ҳам-да ободонлаштириш, томорқа ва тадбир-корлик масалалари бўйича ўринбосарла-ри лавозими жорий қилинди.

Янги йилдан 9 минг 309 нафар ҳоким ёрдамчилари иш бошлади, ушбу тизим-га масъул бўлган Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентли-ги фаолияти йўлга қўйилди.

Ҳоким ёрдамчилари ижтимоий даф-тарлар доирасида ўз маҳалласида ўр-ганишлар ўтказиб, тадбиркорликни ри-вожлантириш орқали камбағалликни қисқартира олади. Президентимиз бош-чилигида аҳолини бизнесга жалб этиш, бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли ишлар, шу мақсадда ажратилаётган кредит ва суб-сидиялар ҳақида аҳолига кенгроқ маълум-отлар бериб, уларнинг адолатли ажра-тилишига кўмаклашади.

Ушбу мақсадлар учун жорий йилда 10 триллион сўм имтиёзли кредит ва 2,5 триллион сўм субсидия ажратилади. Бу борада маҳаллада тадбиркорлик ва деҳ-қончилиқни ривожлантириш учун оила-ларни зарур асбоб-ускуна ва иш қуролла-ри билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Бундан англашиладики, эндиликда барча идораларнинг бош вазифаси “ма-ҳаллабай” ишлаш асосида камбағаллик-ни қисқартириш ва ишсизликни бартараф этиш ҳисобланади. Бунда аҳоли, айниқса, ёшлар ва аёлларни касб-ҳунарга ўқитиш, уларнинг бизнесга кўмаклашши, эҳтиёж-манд фуқаролар билан манзилли ишлаш, умуман, халқни рози қилиш асосий мезон бўлади.

Шундай юрт яна қайда бор?!

Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг пировард мақсади халқ фаровонлигини янада ошириш, одамлар-нинг яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган. Бу борада “Давлат — инсонлар учун” деган эзгу ғоя ҳаётимизда изчил қарор топиб, кўп миллатли халқимиз тинч ва осуда ҳаёт кечирапти.

Қувонарлики, Президентимизнинг одилона сиёсати юртдошларимиз томо-нидан кенг қўллаб-қувватланиб, Ўзе-бекистон халқаро ҳамжамият томонидан очик ва демократик давлат, дея эъти-роф этилмоқда.

Мухтасар айтганда, ҳар биримиз ис-лохотлар жараёнига ўз ҳиссамизни қў-шишимиз, инсон қадри улуғланган юрт ривожини, тараққиёти учун бор куч ва са-лоҳиятимизни сафарбар этишимиз ло-зим. Зотан, инсон ҳақ-ҳуқуқлари, қадр-қиммати ҳар нарсадан устун, кексаю ёши, аёлларини эъзозлайдиган шундай юрт яна қайда бор?!